Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 21 май, ШАНБА

№ 114 (4.310).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ИЖАРА ПУДРАТИ— МАЪМУРЧИЛИК ЙЎЛИ

Озиқ-овқат программасининг ижроси ҳамма вазифалар қаторида алоҳида ўринда турибди. М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида агросаноат комплекси пудрат коллективларининг ходимлари, агрокомбинатлар, агрофирмаларнинг, илмий-ишлаб чиқариш системаларининг, хўжаликларнинг раҳбарлари, район партия комитетларининг биринчи секретарлари, совет ходимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан учрашувда таъкидлаб ўтганидек, заминда инсон меҳнатининг самаралари ҳар бир жамият тараққиётнинг қай даражасида эканлигидан қатъий назар унинг учун энг зарур шартдир.

Ўзбекистонда кейинги йилларда мамлакат Озиқ-овқат программаси ижросига қўшиладиган ҳиссани кўпайтириш учун кўп иш қилинди. Бултур яппи дон ҳосили бир ярим баравар ортди, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳажми ўсди, чорва молларининг сут ва гўшт маҳсулдорлиги, товуқлардан тухум олиш кўпайди. Қайта ишлаш саноатининг бир қатор тармоқларида ижобий силжишлар рўй берди.

Хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларига дадил ўтилаётгани, дала ва фермаларнинг меҳнаткашларига катта мустақиллик берилаётгани учун ҳам олга томон қадам қўйилмоқда. Ҳозирги пайтда меҳнат коллективлари бошқарув жилвонни тобора ўз қўлларига олмоқдалар, ишлаб топилган ҳар бир тийиннн қадрлашни ўрганмоқдалар. Кўпчилик хўжаликлар машина-трактор паркидан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қўлда бажариладиган ишларни иложи борича камайтириш, четдан ҳашарчиларни жалб этмаслик йўлини тутмоқдалар, ортиқча техникадан воз кечмоқдалар.

Хўжалик ҳисобида ишлаётган энг яхши коллективлар тажрибаси мисолида агросаноат комплексида эскича хўжалик механизми, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларининг қусурлари кўзга яққол ташланиб қолаяпти. Шунга қарамай янгилик қийинчилик билан ўзига йўл очмоқда. Жойлардаги партия комитетлари эскича тасаввур юкидан ҳали тўла халос бўлганлари йўқ, улар одамлар ўзларини дала ва фермаларнинг ҳақиқий соҳиблари деб ҳис этишлари, ўз имкониятларига тўла ишонч ҳосил қилишлари учун кам қайғурмоқдалар.

Хўжалик ҳисобини, коллектив ва якка тартибдаги пудратнинг турли шаклларини қўлланишга етарли даражада эътибор берилмаяпти, маъмуриятчилик, расмиятчилик ҳолларн ҳамон учраб турибдики, бунинг натижасида фондлар билан жиҳозланишнинг ўсиб бораётган ҳажми қопламай қолмоқда, чунки шунга мувофиқ тарзда маҳсулот етиштиришнинг кўпайиши ҳамда ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг қисқартирилишига эришилмаяпти. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таҳчиллигининг сабаби шунда. Республикамизда озиқ-овқатнинг жон бошига истеъмол қилиниши белгиланган нормативлардан, мамлакатда қарор топган ўртача даражадан анча орқада.

Ижара пудратини кенг жорий этиш бундай аҳволни тездан ўнглаб олишга имкон беради. «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг Ж. Эргашев бошлиқ бригадаси мисолида ижара пудрати афзалликлари, унинг давлатга ҳам, ерда тер тўкаётган меҳнаткашларга ҳам қанчалик фойда келтираётгани ҳақида ёзилди. Бригада бошлиғи, КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган учрашув иштирокчиси эканлигда бутун совхоз янги усулга ўтаётгани ҳақида гапириб берди. Чиндан ҳам ижара пудрати мураккаб ва ўзаро боғланиб кетган хўжалик организмидан айрича ривожланиши мумкин эмас. Бунинг устига ижара пудратига барча мансабдор ташкилот ва корхоналар жалб қилиниши зарур. Шундагина муваффақиятга эришиш мумкин. Бир ёқадан бош чиқариб сув хўжалиги ва уй-жой қурилишини авж олдириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, иқтисодий нормативларнинг қатъий системасини қарор топтириш йўли билангина меҳнат унумдорлигининг юқори, маҳсулот таннархининг арзон бўлишини таъминлаш мумкин.

Ҳазорасп районидаги Карл Маркс номли колхоз меҳнаткашлари ҳам бу янги ҳаракатнинг кашшофлари ҳисобланадилар. Бу ерда узоқ ижодий изланишлар, мамлакатнинг бошқа регионларидаги деҳқонлар тажрибаларини синчковлик билан ўрганиш натижасида ижара пудратига ўтиш қарорига келинди. Ижарачилар кооперативга бирлаштириладиган бўлди. Тўғри, бу усулнинг ҳали кўпчиликка қоронғи жиҳатлари бор: ижара ҳақи ҳажми ҳамда маҳсулот етиштириш бўйича топшириқларни, ўзаро жавобгарлик формаларини аниқлаш сингари юзаки қараганда осон кўринадиган, аммо гоят ҳаётий масалаларни тинмай ҳал этиб боришга тўғри келади. Аввалига кооператив тажрибали пахтакор Ражаб Жабборов бошлиқ бригада негизида ташкил этилди. Унинг йигирма аъзоси бор. Иш эса қизғандан қизиб бораяпти: чигит энг мақбул муддатда ва соз экиб олинди, яганалаш тез ўтказилди, ҳозирги пайтда ниҳолларни культивациялаш давом этмоқда. Кооператив сут топшириши ҳам кескин даражада кўпайтирди.

Ҳозирча бундай хўжалик юритишга доир мисоллар жуда оз. Бироқ айни ана шу коллективлар эртанги кунга йўл очмоқдалар, улар тажрибаси бошқаларга намуна бўлаяпти. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган учрашувда М. С. Горбачев бу йўналишда қатъиятлик билан, дадил ҳаракат қилавершга, воз кечиш ёки тақиқлаш йўлига ўтадиган кишиларга кескин зарба беришга даъват этди. Бугунги кунда шу нарса мутлақо аниқ: колхоз ва совхозларимиз ички хўжалик кооперативларини тузиш ҳисобига ўз имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришлари мумкин. Шундай экан, пудратга, ижарага кенг йўл очиш, ташаббускор кишиларга ёрдам бериш, қишлоқ хўжалигида ҳамма омиллар ҳаракатга келиши учун барча чораларни кўриш лозим. Новаторларни қўллаб-қувватлаш, янгиликка йўл очиш, ялписига пудратга ўтиш учун шарт-шароит яратиб бериш бутун партиянинг, ҳамма партия комитетларининг вазифасидир.

Ана шу фавқулодда муҳим ишни ҳал этиш чоғида расмиятчиликка, олдиндан уюштиришларга йўл қўймаслик зарур. Хатолар, камчиликлар ва узилишлар бўлиши мумкин, аммо қийинчиликдан чўчимаслик керак, шундагина муваффақиятга эришиладн. Энг муҳими, одамларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини қўллаб-қувватлашдир. Партия комитетлари ижара пудратини кенг жорий этиш ҳақида тинмай ғамхўрлик кўрсатишга даъват этилгандирлар. Аслини олганда агросаноат комплексини бундан буён ривожлантириш йўли танлаб олинди. Бу йўл партия ва совет органлари, хўжаликлар, корхоналарнинг раҳбарлари ва мутахассислари, олимлар ва конструкторлар ишини қатъиян янгилашни тақозо этмоқда. Бугунги кунда ҳар бир соҳадаги меҳнат самараси қайта қуришга қўшилаётган аниқ ҳисса билан ўлчанади.

Республика Агросаноат давлат комитети ўз фаолиятини кучайтириши лозим. 1988—1989 йилларда колхоз ва совхозлардаги барча ишлаб чиқариш бўлинмалари сарф-харажатни ҳисоб-китоб ва назорат қилишнинг чек усули қўлланилаётган пудратга ўтказилишини ниҳоясига етказиш унинг энг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади.

Ангор райони деҳқонлари ғўза парваришини қизғин олиб бормоқдалар. Дала ишлари Карл Маркс номли ва «Октябрь 50 йиллиги» колхозларида айниқса намунали ўтказилмоқда. Бу хўжаликларда яганалаш ва дастлабки ишлов бериш ниҳоясига етказилди. Ёш ниҳоллар айни пайтда иккинчи марта культивациядан чиқарилаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Карл Маркс номли колхознинг илғор механизатори Қурбон Норқулов. У Аллан Қурбонов бошлиқ бригадада 84 гектар майдондаги ғўзага ишлов бермоқда. 2. «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг Ражаббой Ғаффоров бошлиқ бригадаси механизатори Абдухалил Бойпўлатов ва ҳисобчи Ашурали Шотўраев далада.

Н. РАҲИМОВ фотолари.

ДАЛАЛАР НАФАСИ

ПЕШҚУ

Шукур Назаров бошлиқ бригада аъзолари ғўза парваришни мусобақасида пешқадамлик қилишаяпти. Ибн Сино номли колхоздаги бу коллектив яганалашни ва қатор ораларига дастлабки ишлов беришни ҳаммадан аввал тугалладн. Механизаторлр Шокир Шукуров ва Камол Ҳамидовларнинг ҳар бири кунига 7—8 гектар майдонни культивация қилмоқда. Бошқа юмушларни бажаришда Матлуба Носирова, Дилфуза Азимова, Гулнора Саидова каби колхозчилар фаоллик кўрсатишаяпти.

Шароф Сафаров, Ширин Равшанов бошлиқ бригадаларда ҳам ғўза агротехника қоидалари асосида ўстирилмоқда.

А. САМАДОВ.

ИШТИХОН

«Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси бўлиб ўтадиган йилни зарбдор меҳнат билан якунлаймиз!»—«8 Март» колхозининг Собир Сафаров бошлиқ бригадаси деҳқонлари шундай шиор остида ишламоқдалар. Айни пайтда 122 гектар майдонда ғўза баравж ўсаяпти. Коллектив хўжаликда биринчи бўлиб ниҳолларга иккинчи марта ишлов беришга киришдилар. Мажид Собиров, Доннёр Жабборов каби сувчилар сув тарашга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Шунингдек, бригадада 57 қути қурт ҳам парвариш қилинмоқда. Абдуғани Узоқов, Муқаддас Раҳмонова, Робия Кўшаева, Мақсад Зиёдуллаева, Ойшакар Туроповага ўхшаш тажрибали пиллакорлар ҳар қутидан 75—80 килограммдан кумуш тола олишни кўзлашмоқда.

У. САИДОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 19 май куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тезисларининг лойиҳасини кўриб чиқиб, маъқуллади. Тезисларни кўриб чиқиш учун КПСС Марказий Комитетининг пленумини чақириш ва кейин шу тезисларни коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг кенг муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сиёсий бюро М. С. Горбачевнинг Германия Социал-демократик партияси раиси Г.-Й. Фогель билан учрашуви якунларини маъқуллади. Бу учрашув СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, Умумевропа ҳамкорлиги йўлидан ҳаракат қилиб бориш манфаатларини кўзлаб, иккала партия ўртасидаги баҳамжиҳат ҳаракатни тобора қучайтириш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги қайд этиб ўтилди. Учрашув ҳозирги шароитда коммунистлар билан социал-демократлар ўртасида замонавий тараққиёт ва ядросиз, зўравонликсиз дунёни барпо этиш истиқболларига доир масалалар юзасидан мулоқот олиб бориш зарурлиги ҳамда унинг фойдали эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

М. С. Горбачевнинг Таиланд бош министри П. Тинсуланон билан ўтказган суҳбати ҳамда Н. И. Рижков ва Э. А. Шеварднадзе у билан олиб борган музокараларнинг натижалари кўриб чиқилиб, маъқулланди. Бўлиб ўтган амалий фикрлашувлар, Совет Иттифоқининг Осиё—Тинч океан регионида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳамда можароли вазиятларга барҳам беришга қаратилган принципиал сиёсатини назарда тутганда Таиланд билан, шунингдек Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмасидаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларни активлаштириш вазифасига мувофиқ эканлиги таъкидланди. Эришилган аҳдлашувлар ҳамжиҳатлик ва ишонч руҳида Совет Иттифоқи билан Таиланд ўртасидаги самарали алоқаларни кенгайтириш ҳамда муносабатларни муттасил ривожлантириш ишида бундан буёнги қадамлар учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Мажлисда А. А. Громиконнинг Руминия Социалистик Республикасига расмий-дўстона визити якунлари маъқулланди. Н. Чаушеску ҳамда Руминиянинг бошқа раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатлар Совет Иттифоқи билан қардош Руминия ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничиликдан иборат анъанавий муносабатларни мустаҳкамлаш йўлига мос бўлиб тушади. Совет—Руминия ҳамкорлигини партия ва давлат йўли билан ҳам, жамоатчилик алоқалари йўли билан ҳам анча юқори поғонага кўтариш СССР билан Руминиянинг манфаатларига, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш ишига мувофиқ келиши қайд этиб ўтилди. Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга, жумладан ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва кооперациялашни янада чуқурлаштиришга, қўшма корхоналар барпо этишга, меҳнат коллективлари йўли билан алоқаларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Э. А. Шеварднадзенинг АҚШ давлат секретари Ж. Шульц билан Женевада олиб борган музокаларининг якунлари тўғрисидаги ахборот тингланди. Москвада 29 майдан 2 июнгача ўтказиладиган олий даражадаги учрашувга тайёргарликни, шунингдек СССР билан АҚШ ўртасидаги амалий битимлар устидаги иш қандай бораётганлигини кўриб чиқишни назарда тутганда, мазкур учрашув олдидан министрлар олиб борган музокаралар шу даврасининг аҳамияти қайд этиб ўтилди.

Москвада олий даражада ўтказиладиган учрашув Женевадаги, Рейкьявик ва Вашингтондаги учрашувларда белгиланган йўлдан янада олга боришга олиб келиши, Совет—Америка муносабатларини муттасил ривожлантириш жараёнларига қўшимча омил бағишлаши мумкинлиги таъкидланди. Совет томонининг бўлажак учрашув стратегик ҳужум қуроллари ҳамда ракетадан мудофаага доир аҳдномалар комплексини тайёрлаш йўлида муҳим босқич бўлиб қолиши учун барча зарур ишларни қилиш ниятида эканлиги тасдиқланди. Шу билан бирга келишиб олинган мақсадларга эришиш Америка томонининг ҳам бунга тегишли даражадаги тайёрлигини тақозо қилиши уқтириб ўтилди.

Д. Т. Язовнинг Германия Демократик Республикасига қилган расмий-дўстона визити якунлари тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партия ва давлат турмушининг бошқа баъзи масалалари юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди.

ОЗУҚА МЎЛ—СУТ, МОЙ СЕРОБ

Озуқа тайёрловчилар учун масъулиятли, қизғин пайтлар бошланди. Бедазорларда, маданий ва табиий пичанзорларда меҳнат суроні авжига чиқаётир. Бинобарин, юртимиз дастурхонида чорвачилик маҳсулотларининг мўл-кўллиги, озиқ-овқат маъмурчилиги энг аввало озуқакорларнинг ғайрат-шижоатига боғлиқ. Сурхондарё области меҳнаткашлари республикада биринчи бўлиб беданинг биринчи ўримини якунладилар. 27.763 гектар майдондаги беда ўриб олинди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра ҳар гектар ердан ўртача 40 центнердан ҳосил жамғарилдики, бу ўтган йилдагига нисбатан тўрт центнер кўп.

Ўзбекистон Агросаноат давлат комитетининг оператив маълумотига кўра 19 майга қадар республика колхоз ва совхозлари, хўжаликлараро корхоналари 246.264 гектар майдондаги бедани ўриб олдилар. Бу эса топшириққа нисбатан 63,5 процентни ташкил этади. Беда ўримі Наманган, Сирдарё, Жиззах, Андижон областларида бирмунча яхши бораяпти. Бу областларда ҳосилдорлик ҳам ўтган йилдагига нисбатан юқори. Масалан, Наманган областида бултур ҳар гектар ердан ўртача 41 центнердан беда пичани олинган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 44 центнерни ташкил этаётир.

Бир қатор областларда ўрим муддати бой берилаётган бўлса-да, шошилишмаётир. Масалан, Самарқанд областида биринчи ўрим топшириғи энди 46,4, Қашқадарёда 60,4, Бухорода 61,5, Хоразмда 52,7 процент бажарилди. Автоном республикада эса бу борадаги вазифа энди 10,7 процент уддаланди. Ҳолбуки, бу областларда беда аллақачон ўрим учун етилган майдонлар оз эмас. Маълумки, беда ўз вақтида ўриб олинмаса тўйимлилигини йўқотади, таркибидаги протеин камаяди. Бу эса озуқанинг сифатини, классини пасайтириб юборади. Озуқакорлар ишида сифат масаласи ҳамиша биринчи галда туриши лозим.

Жорий йилда республика бўйича 2 миллион 841.600 тонна дағал хашак тайёрланиши зарур. Ҳозирча бу борадаги ишлар қизғин тус олмаётир. Шу кунгача республика хўжаликларида 226 минг тоннадан зиёд дағал хашак тайёрланди, холос. Бу эса топшириққа нисбатан атиги 3 процентни ташкил этади. Озуқакорлар ғаниматфурсатларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишлари, мавжуд ўрим техникаси, транспорт воситалари ва ишчи кучларини озуқа тайёрлашга тўла сафарбар этишлари зарур. Ҳозир бой берилган фурсат ўрнини кейинчалик тўлдириб бўлмайди. Чунки ҳадемай ёз жазирамаси бошланади, бу эса табиий пичанзорларда ўтўланларнинг тез қовжирашига, ширасининг йўқолишига олиб келади, тайёрланган озуқанинг сифати пасаяди.

Республика хўжаликларидаги озуқа тайёрловчилар ихтиёрида етарли миқдорда техника воситалари мавжуд. Уларни унумли ишлатиш, агрегатларнинг тўхтаб қолмаслигини таъминлаш механизаторларнинг бурчидир. Шу ўринда озуқакорларнинг баракали меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш хўжалик раҳбарлари, РАПО кенгашларининг вазифаси эканлигини эслатиб қўйиш жоиз.

ЧОРВАЧИЛИК БЎЛИМИ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

19 май куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси П. Ҳабибуллаев раислигида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлисда министрликлар, идоралар, республика халқ депутатлари Советларининг Ўзбекистон ССР тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлари талабларини амалга ошириш ҳамда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш мақсадида маданий меросдан актив фойдаланишга оид ишлари кўриб чиқилди. Республика маданият министри Ў. Р. Умарбеков бу ҳақда ҳисобот берди. Ўзбекистон ССР Олий Совети халқ маорифи ва маданият комиссиясининг раиси М. И. Искандаров мазкур масалани тайёрлашда қатнашган депутатлар группаси номидан ахборот берди. Бу масала юзасидан қабул қилинган қарор матбуотда эълон қилинади.

Президиум Сурхондарё область ижроия комитетининг раиси Х. Э. Бердиевнинг область халқ депутатлари Советларининг ўзларига қарашли территорияларда қайта қуриш ва социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда депутатларнинг ролини оширишга доир фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини муҳокама қилди. Область маҳаллий Советларига халқ вакиллари фаолиятининг услуби, формаси ва методларини тубдан янгилаш, бунда демократия жараёнларини ва ошкораликни кенгайтириш юзасидан бундан буён ҳам амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқариш топширилди.

Республика халқ депутатлари Советларига қайта қуриш жараёнида депутатлар иштирокини кучайтириш, қайта қуриш вазифаларини амалга оширишда, ижтимоий ҳаётни демократиялашда депутатлар асосий позицияларни эгаллашларини таъминлаш таклиф қилинди. Халқ вакилларининг диққат-эътибори территориялар социал-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантирилишини таъминлашга қаратилиши керак.

Мажлисда Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қамоқ жойларидан бўшатилган кишиларни ишга жойлаштириш ва турмушини йўлга қўйиш ишлари кўриб чиқилди. Президиум бу ишда катта камчиликлар мавжудлигини таъкидлаб, қамоқ жойларидан бўшатилган кишиларни ҳисобга олиш, уларни ишга жойлаштириш ва турмушини йўлга қўйишни, профилактика ва тарбия ишларини қисқа муддатда яхшилашни топширди. Шу муносабат билан Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига, Ички ишлар министрлиги, республиканинг бошқа бир қанча министрликлари ва идораларига конкрет топшириқлар берилди.

Президиум республика давлат ҳаётининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқди, бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Л. Ш. Беккулбекова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари А. Акбаров, Б. Асророва, К. И. Охунбобоев, П. П. Мельников, Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси Р. Ғ. Ғуломов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

ЎРТА ОСИЁ МАГИСТРАЛИ ЮЗ ЁШДА

Ўрта Осиё темир йўли барча бўлинмаларининг вакиллари, транспорт ветеранлари ва илғорлари 20 май куни магистралнинг юз йиллик юбилейига бағишланиб Тошкентда ўтказилган тантанали маросимга йиғилдилар.

Байрам пойтахтдаги марказий вокзал перронида бошланди. Бу ерда эски ва энг янги локомотивлар қўйилган эди. Шундан кейин байрам тантанаси темирйўлчилар маданият саройида давом этди.

Байрамона кийинган темирйўлчилар кенг фойега тўпландилар. Уларнинг кўксида уруш йилларидаги жанговар хизматлари, тинч даврдаги шавкатли меҳнати учун берилган орден ва медаллар ярқираб турибди. Бу ерда «Бир асрлик йўл» мавзуида кўргазма очилди. Стендлардаги фотосуратлар ва ҳужжатларда магистралнинг қандай қурилганлиги, 1888 йилда Самарқандга биринчи паровоз — «оташ арава»нинг келиши акс этган.

Аср охирида темир йўл Тошкент ва Фарғонага ҳам етиб келди. Темирйўлчилар ўлкадаги саноат пролетариатининг дастлабки отряди бўлишди, улар революцион ҳаракатга бошчилик қилишди, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда фаол иштирок этишди.

Ўрта Осиё республикалари ишлаб чиқариш кучларининг тез равнақи билан биргаликда темир йўл қудрати ҳам ортиб борди. Карта-схемага назар ташлаб, деярли 7 минг километрлик магистрални кузатиш мумкин. Темирйўл шохобчалари ғарбдаги Красноводскдан шарқдаги Андижон ва Ўш, шимолдаги Бейнов ва жанубдаги Кушка ва Душанбега қадар тортилган.

Самарқанд вагон депосининг ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамет Усмонов билан танишдик.

—50 йилдан буён темир йўлда ишлаяпман, — деди Мамет ака. — Шу корхонадан фронтга жўнадим, уруш тугагач, яна қайтиб келдим. Сўнгги йилларда кўп нарсалар ўзгариб кетди. Масалан, Самарқандда замонавий ускуна билан жиҳозланган янги вагон депоси қурилди.

Шу куни Тошкентда Ўрта Осиё темир йўлининг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов очди.

Ўрта Осиё темир йўлининг бошлиғи Н. А. Белогуров доклад қилди.

Транспорт тармоғи, деб таъкидланди мажлисда, неча юзлаб қишлоқ хўжалик ва саноат корхоналарини қамраб олган қудратли халқ хўжалик комплексини бунёд этишга ёрдам берди. Эндиликда темир йўлда ҳар уч кунда қарийб 1 миллион тонна халқ хўжалиги юклари, ҳар куни 100 минг йўловчи ташилмоқда. Ўрта Осиё темир йўлининг коллективи мамлакатда биринчилар қатори белоруссияликларнинг илғор усулини жорий этди. 1988 йилнинг 1 январидан бошлаб темир йўл хўжалик ҳисобига ўтди. Бу ерда илм-фан ва техника ютуқлари фаоллик билан жорий этилмоқда.

Мажлисда СССР темир йўллар министри Н. С. Конарев нутқ сўзлади.

Тантанали мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Н. Лобко, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. В. Сударенков, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, СССР темир йўл транспорти ва транспорт қурилиши ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг раиси И. А. Шинкевич қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Бошланғич партия ташкилоти: қайта қуриш тажрибаси

БУНДАН ҲАМ МУҲИМРОҚ ИШ БОРМИ?

Қорақалпоғистон АССР Бўзатов районидаги «Порлитов» совхозининг бошланғич партия ташкилоти коммунистларни аттестациядан ўтказиш чоғида кўп нарса йўқотди. Ўн бир ходимга ҳамкасблари ишонч билдирмадилар. Натижада улар ўз партийдошларидан ажралишларига тўғри келди. Лекин шунга қарамай, бошланғич партия ташкилотида парокандаликка ва тушкунликка тушмай, қолоқликка муттасил йўл қўяётган чорвачилик хўжалигида содир бўлаётган барча ишлар учун масъулият туйғуси анча ошди, қандай бўлмасин ёмонотлиқликдан қутулишга интилиш сезилиб турибди.

...Бу йилги май байрамини чорвадорлар янги клубда кутиб олишди, у ерда яқинда ташкил этилган вокал-чолғу ансамбли концерт берди, сут соғувчилар, молбоқарлар саҳнада қўшиқ айтдилар ва рақсга тушдилар. Бундай воқеа бошқа ҳар қандай хўжалик учун одат тусига кирган бўлиши мумкин. Лекин «Порлитов» совхозида кейинги ўн йил давомида ҳеч қандай қурилиш қилинмаган, комсомол ташкилотининг ўзи йўқ, чорвадорларнинг турмуш шароити ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Қандай бўлмасин планни бажариш керак — хўжаликнинг аввалги раҳбарлари ана шундай шиор остида ишлардилар. Пландан бошқа ҳеч нарсани тан олишмасди.

Коммунист Сейдали Сариев совхозни бошқаришга киришганига икки йил ҳам бўлгани йўқ. У бу ерга ишга келганига қадар область партия комитетида инструктор бўлиб ишлаган, ундан олдин эса зоотехник эди. Унинг партия ва хўжалик ишларида орттирган амалий тажрибаси катта ёрдам бермоқда. Қолоқ хўжаликни қабул қилар экан, одамларнинг, энг муҳими эса коммунистларнинг ёрдамисиз ҳеч нарса қила олмаслигини тушунди. Партия комитетига кириб келганида тушуниб бўлмайдиган воқеага дуч келди: секретарь унинг қаршисида икки қўлини қовуштириб, буюринг, нима иш қилай дегандек кутиб турарди.

Собиқ директор Ш. Қушмагамбетов совхозда бир неча йил «ҳукмронлик» қилди. Бирорта мутахассис, бригадир ёки бўлим бошқарувчиси унинг буйруғисиз ўтира олмас ҳам, ўрнидан тура олмас ҳам эди, унинг кўрсатмасисиз экин экишга, ҳосил етилганда эса уни йиғиб олишга журъат этмас эди. У партия ташкилотига қандайдир бир тушунмовчилик туфайли пайдо бўлган ташкилот сифатида, директор ҳузурида маслаҳат овозига эга бўлмаган орган сифатида қарарди. Партия комитетининг ўз хонаси бўлса-да, унинг мажлислари фақат директор хонасида ўтказиларди.

С. Сариев ёпиқ партия йиғилиши ўтказишни илтимос қилди. У йиғилишга одамлар кўп келишидан, ошкоралиқдан, теварак-атрофга гап-сўзлар тарқалишидан чўчигани учун эмас, балки, энг аввало, коммунистларнинг ўзлари ўз ишларини таҳлил қилишлари, ижобий ўзгаришлар режасини тузиб олишлари, сўнгра эса ана шу режалар билан бутун хўжалик коллективини таништириш лозим, деб ҳисоблаганлиги учун ёпиқ партия йиғилиши ўтказишни таклиф қилди.

Ўша йиғилиш шу куннинг нуқтаи назаридан бир қадар ғалати кўринди. Кун тартибида қайта сайлов масаласи турмаган бўлса ҳам, амалда худди шу масала муҳокама қилинди. Коммунистлар бутун коллективнинг ҳаёти кўп жиҳатдан уларга боғлиқлиги ни илк бор ҳис қилдилар, шу сабабли партия комитети состави фаолиятини юз-хотир қилмай таҳлил этишга киришдилар. Шундан кейин комитет аъзоларини тўла алмаштиришдан бошқа илож қолмади. Тўғри, мажлис белгиланган расмий тартибга унча тўғри келмади. Лекин янги директор ҳам, Бўзатов район партия комитети вакиллари ҳам ана шу муҳитда эски тартибларга амал қилиш мумкин эмаслигини очиқ-ойдин тушундилар. Партия комитети янги секретарининг номзодини «тайёрлаш»га улгурмаган бўлсалар-да, коммунистларнинг ўзлари Серик Қидировнинг номзодини секретарликка кўрсатдилар. Бу ёш раҳбар коллектив кўз ўнгида ўсиб улғайди. Совхоздагилар унинг аввалги директорга қарши муросасиз курашганлигини, тартиб ўрнатиш учун қайғурганлигини яхши эслашади. Унга оғир бўлди — чунки ўшанда туб ўзгаришларни амалга ошириш мумкинлигига камдан-кам одам ишонарди, кўпчилик эса бетараф қолишни афзал кўрарди.

Иккала янги раҳбар — хўжалик ва партия раҳбари ўзларининг биринчи қадамлариданоқ истиқболдаги силжишлар ва ўзгаришларнинг барчасида коммунистларнинг кўпчилиги уларни қўллаб-қувватлашини сезишди. Тўғри, иккиланганлар ҳам кўп эди. Улар бундан буён қўйиладиган қадамлар қандай бўлишини, раҳбарлар ишлаб чиққан режалар қандай амалга оширилишини, бу режалар аниқ ишлар билан қай даража мустаҳкамланишини кутишарди. Сариев билан Қидиров буни яхши тушунишарди. Шу сабабли дастлабки кунларданоқ социал соҳа билан қатъий шуғулланишди. Дастлабки бир неча ой ичида совхоз меҳнаткашлари хўжалик усули билан ўнта икки квартирали коттеж қуриб олганликларини хўжакўрсинчилик ёки демократия ўйини деб бўлармиди. Совхоз ташкил этилганидан бери орзу қилинган магазин иш бошлади. Бу магазинни ишчиларни алдаш учун очганлари йўқ. Болалар боғчаси, клуб қурилди, вақтинча ёзги кинотеатр ҳам бунёд этилди.

Ана шу ишлар билан бирга хўжаликда меҳнатни қайта қуриш юзасидан қизғин иш олиб борилди. Хўжаликда ихтисослаштиришни амалга оширдилар — молбоқарлар ва сут соғувчилар кўпинча ўзларининг бевосита ишларидан чалғиб, озуқа излаш билан овора бўлар эдилар. Энди ем-хашак тайёрловчи участкалар ташкил этилди. Бу участкалар ўзига хос ижара пудрати асосида ишламоқда. Уларга маълум ер участкалари, техника ажратиб берилди. Одамлар фақат ернинггина эмас, айни вақтда бутун совхознинг хўжайини эканликларини тушуна бошладилар.

Энг муҳими шундаки, коммунистлар илк бор бутун коллектив ҳаётида ўзларининг авангардлиқ ролини ҳис эта бошладилар. Партия ташкилотининг маслаҳати ва унинг қўллаб-қувватлашисиз директор бирорта янгиликни жорий этишга киришмасди. Бу унинг ягона раҳбарлик принципидан тўла воз кечганлигини билдирмайди. Барча долзарб хўжалик масалаларини унинг ўзи дадил ва мустақил ҳал этади, бош мутахассисларга тўла ишонади, бу мутахассисларнинг кўпчилиги илгариги ташаббуссиз, қатъиятсиз кишилар ўрнини эгаллашган. Бинобарин, иш энг катта муаммоларга, туб программаларни қабул қилишга тааллуқли бўлганида, уларни энг аввал коммунистлар, бутун коллектив ўртасида муҳокама қилиш қоида бўлиб қолди. Оддий коммунистларда хўжаликни бошқаришга дахлдорлик туйғуси билан бирга масъулият туйғуси ҳам ошиб борди. Кўпгина партия аъзолари илгарилари қўл силтаб кетадиган мажбуриятларни ўз зиммаларига ола бошлашди.

Оддий бир мисолни олайлик. Коммунист Эркабой Сарсенгалиев ем-хашак тайёрлаш бригадири бўлиб ишларди. Унинг етарли тажрибаси бор эди. Лекин тажрибасини ҳеч ким билан ўртоқлашишни хоҳламасди. «Ўзимга ўзим ташвиш орттириб нима қиламан», — деб баҳона қиларди у. Мана энди унинг ўзи партия комитетига кириб келди: «Бригадамда, — деди у, — ихтисослашган хўжалик тузилса яхши бўларди. Менга ем-хашак етиштиришда орқада қолганларнинг ҳаммасини беринг. Мен уларни чинакамига ишлашга ўргатаман». Унинг таклифи амалга оширилди, ихтисослашган участка ташкил этилди. Ўтган қиш фаслидаёқ совхозда ем-хашак хусусида анча кам бош қотирилди. Чорва молларининг ем-хашак билан таъминланиши аввалги йилларга нисбатан қарийб икки баравар кўпайди.

— Ҳар бир участкадаги ишлар амалда шундай ташкил этилди: дастлаб коммунистлар ташаббус кўрсатишарди. Энг муҳими шундаки, улар ўз ташаббусларини амалга оширишга биринчи бўлиб киришардилар. Ҳозир коллектив ҳаётида муҳим бўлган барча асосий соҳаларда коммунистлар ишлашмоқда. Лекин бу ерда оддий молбоқарнинг сўзи ҳам директорнинг фикри каби салмоқли, таъсирли.

Кўпинча партия ташкилотининг директорни ҳам тўғри йўлга солишига тўғри келмоқда. У бўрдоқи боқиладиган янги молхоналарни қурмоқчи бўлди. Лекин партия комитети ва партия йиғилиши унинг бу фикрига қўшилмади. «Агар биз, — дейишди улар, — ўзимизнинг унча катта бўлмаган имкониятларимиздан келиб чиқиб, эски молхоналарни қайта тикласак яхши бўларди. Янги молхоналардан шубҳасиз, фойда олиш мумкин. Лекин бу самарани тез орада ололмаймиз, совхоз гарданидаги қарздан қутулиш эса осон бўлмайди. Шу сабабли давлатдан қарз олиш ўрнига ўзимиз пул топайлик, сўнг янги қурилиш ҳақида ўйлайлик». Директор бу фикрга қўшилди.

— Партия ташкилоти сизнинг хўжалик ишларингизга аралашаётганидан ҳафа эмассизми?

— Биринчидан, коллективга тааллуқли барча муаммолар фақат хўжалик муаммоларигина бўлиб қолмай, айни вақтда социал, айтиш мумкинки, сиёсий муаммолардир. Бунда янглишмаган маъқул. Коллективнинг ўзидан бошқа ким ҳам тўғри ечимни айтиб бера оларди? Иккинчидан, мен ёш директорман, буни яхши тушунаман, шу сабабли коммунистлар ишларимга оқилона аралашисса фақат миннатдор бўламан, чунки хатога камроқ йўл қўйилади.

«Порлитов» совхози эндигина оёққа турмоқда. Лекин у яқин орада қаддини ростлаб олиши муқаррар. Буни мутахассислар ва партия ташкилоти аъзоларининг ўзаро аниқ ҳаракати таъминлайди.

В. ГЛАДИЛОВ.



Пахтакор районидаги «Самарқанд» совхози партия комитети заршунослар ўртасида оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишларни жонлантирмоқда. Кўп сонли агитаторлар, пропагандистлар долзарб мавзуларда чиқишлар уюштириб, деҳқонларнинг ғайрат-шижоатини оширишга муносиб ҳисса қўшишаяпти. Хўжаликда атеист-лектор Аким Абливантовни кўпчилик чин дилдан ҳурмат қилади. Унинг «Янгича анъаналар — замон кўрки» мавзундаги туркум лекциялари чўлқуварларда катта таассурот қолдирмоқда.

СУРАТДА: атеист-лектор А. Абливантов.

У. ҚУШВОҚОВ фотоси.

СОВЕТЛАРГА РАҲБАРЛИК

ҚАРОР ЭМАС, ИЖРОСИ ҲИСОБ

— Умуман олганда, бизда Советлар фаолияти ёмон эмас, — деди Қорақўл район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Қ. Гатаулин. — Аммо камчилик бор... Бугунги пленум кун тартибидаги масала ҳам дарвоқе шунга қаратилган. Марҳамат, унда қатнашсангиз, аҳволни янада яхшироқ билиб оласиз.

Бироздан сўнг пленум бошланиб, унинг қатнашчилари жой-жойларини эгалладилар. Райкомнинг иккинчи секретари Р. Собиров «Депутатларнинг ўзларига топширилган участкалардаги меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятини оширишда маҳаллий Советларнинг роли» мавзуида доклад қилди. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь пленуми қарорлари ҳаётимизни чуқур демократиялаштиришга, омманинг жўшқин ижодиётини ривожлантиришга, халқ ташаббусини авж олдириш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этишга қаратилганлиги ҳақида сўзлади. Залда ҳозир бўлганлар докладни қарсаклар билан қаршилашди. Бироқ бу бизни бироз ажаблантирди. Чунки мажлис бошдан-оёқ баённчилик тарзида ўтди. Деярли бирон-бир жиддий фикр, конкрет масалаларга тўхталинмади. Нотиқ халқ хўжалигини социал-иқтисодий ривожлантириш планлари ва қўлга киритилган рақамларни санаб ўтди, холос.

Пленумда Советларнинг қайта қуриш, демократия ва ошкоралик даврида қандай натижаларни қўлга киритганлари, қайсиларини қўлга киритмаганлари ҳақида чуқурроқ, принципиал мулоҳаза юритилмади. Умумий жумлалар бор-у, аммо ҳаммаси расмий баённчиликдан иборат.

Халқ депутатлари район ва шаҳар Советининг 200, қишлоқ Советларининг 455 нафар депутати ўз ишларини қандай қайта қураётганлиги, халқнинг ишончли вакили сифатида қандай наказларни бажарганлиги ҳақида ҳам лом-мим дейилмади. Бир сўз билан айтганда, Советлар ҳаракатини баҳолашда бирмунча юзакичиликка йўл қўйилди. Танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи пленум мажлисида сезилмади.

Вазиятни, манзара эса тамоман ўзгача. Халқ депутатлари район Совети (ижроия комитетининг раиси У. Усмонов), қуйи маҳаллий Советлар қайта қуришнинг моҳиятига чуқур кириб бормаяптилар. Халқ хўжалигининг кўпгина долзарб масалалари депутатлар эътиборидан четда қолиб келаяпти. Аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, маданий-маиший, медицина хизмати кўрсатишда қатор камчиликлар мавжуд. Биз ўрганиб чиққанда район Советининг 3 ва шаҳар Советининг 15 нафар депутати мутлақо қониқарсиз фаолият кўрсатаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Район партия комитетининг бюроси пахта тозалаш заводи директори, халқ депутатлари шаҳар Советининг депутати Р. Жамиловга сайловчилар топшириқларини адо этмаганлиги, ишчи-хизматчиларга зарур шарт-шароитларни яратиш тадбирларини кўрмаганлиги ҳамда корхонадаги бошқа қатор камчиликлар учун партиявий жазо берган эди. Бироқ қарор ижроси изчил назорат этилмади. Завод раҳбари кўрсатиб ўтилган нуқсонларни охиригача бартараф этмай туриб раҳбарлик жавобгарлигидан енгилгина қутилиб кетди. Коллектив аъзоларига ҳеч қандай қулайлик ёки шарт-шароит яратилмади.

Халқ депутатлари шаҳар Совети депутати, маҳаллий эҳтиёж буюмлари ишлаб чиқариш фабрикасининг директори Н. Ҳусеновнинг ишда йўл қўйган камчиликлари ҳам район партия комитети томонидан таъкидлаб ўтилган эди. Давр талаби қатъийлиги, фабрикада эса ишлаб чиқариш лозим бўлган 107 турдаги маҳсулот ўрнига фақатгина 14 тасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги жиддий ва принципиал танқид қилинган эди. Афсуски, қарор ва кўрсатмаларнинг қоғозда қолиб кетганлиги туфайли фабрикада ҳамон туб ўзгаришларга эришилгани йўқ. Директор раҳбарлигида ишлаётган шаҳар Советининг тўрт нафар депутати ҳам масалани бирон марта ўрганиб, кун тартибига киритган эмас.

2000 йилгача район аҳолисини уй-жой билан таъминлаш юзасидан тузилган комплекс программа ижроси ҳам жиддий назорат қилинишига муҳтож. Тўғри, 1987 йилда 22.236 квадрат метр турар жой, 320 ўринли болалар боғчалари қуриб битказилган. Бироқ бу ҳажмдаги қурилишлар аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўла қондиролмайди. Ўтган йили район ижроия комитетига уй-жой қуриш учун ер участкаси ҳамда квартира сўраб берилган аризаларнинг ярми қондирилган, холос. Халқ депутатлари Бандбоши, Қораун, Жиғачи қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари ҳам кишиларнинг якка тартибда уй-жой қуришларини рағбатлантириш ва зарур шарт-шароитлар яратиб беришга етарли эътибор бермаяпти. Район партия комитети, номлари тилга олинган маҳаллий Советлар территорияларидаги партия группалари масаланинг ана шу томонларига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Қишлоқ аҳолисига савдо ва маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳам қониқарли эмас. Жумладан, шаҳар матлубот жамиятининг раиси М. Муҳитдинов, савдо системасида меҳнат қилаётган тўққиз нафар депутатлар мана шу муҳим соҳага бефарқ қарамоқдалар. Мавжуд 32 та маиший хизмат кўрсатиш пункти ходимларидан аҳоли норози. Мактаб ошхоналарида ўқувчилар учун тайёрланадиган таомлар тури кам, сифати паст, нархи юқори.

Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш муассасалари учун 1988 йилда 3 миллион 19 минг сўм маблағ ажратилди. Улардан оқилона фойдаланган раҳбарлар касалхона ва медицина пунктлари учун зарур замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар харид қилишлари лозим эди. Бироқ амалда бундай бўлмади. Аҳоли саломатлигини яхшилаш, профилактика ишларини ўтказиш ва диспансерлик хизмати ўз ҳолига ташлаб қўйилгани туфайли районда болалар ва оналар ўлими аввалги йиллардагига қараганда кўпайди. Район марказий касалхонаси бош врачи, депутат Б. Шукуровнинг шу ҳақдаги ҳисоботини тинглаш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ташкилий-оммавий ишларини ҳам тубдан қайта қуриш лозим. Масалан, йигирманчи чақириқ халқ депутатлари район Советининг биринчи сессиясида Б. Ҳамроев савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш доимий комиссиясига раис қилиб сайланган эди. Бироқ у билдирилган ишончни оқламади. Мазкур соҳаларда ўнлаб муаммолар, долзарб масалалар мавжудлигига қарамай комиссия аъзолари уларни ўрганиб чиқиш, муҳокама учун кун тартибига киритишга мутлақо эътибор бермаяптилар. Район ва қишлоқ Советларида фақатгина қоғозда мавжуд бўлган бундай доимий комиссия, депутатлик группа ва постлари кўп.

Советларга партиявий раҳбарликни яхшилаш — қайта қуришни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Кишилар турмуш фаровонлигини яхшилаш билан боғлиқ барча социал-иқтисодий программалар ижроси халқ ишончига сазовор бўлган депутатлар фаолиятининг ошкоралиги ва жанговарлигига боғлиқдир. Жойлардаги партия ташкилотлари маҳаллий Советларнинг барча бўғинларидаги ишлар давр ва замон талабларига мувофиқ бўлишига эришиш учун зарур чора-тадбирларни кўришлари зарур.

В. НОСИРОВ,
А. БОБОБЕКОВ.

Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхози чорвадорлари Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига мусобақани авж олдириб, қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Бу ерда моллар интенсив усулларда парвариш қилинаяпти. Ферма ходимларининг мазмунли дам олишлари учун барча шароит яратилган.

СУРАТЛАРДА: 1. Колхоз правленнеси раиси Р. Усмонов сигирсоғарлар Ш. Турманова (чапда) ва М. Бегматова билан иш натижаларини таҳлил қилаяпти. 2. Дам олиш хонасида.

А. МАЛЬЦЕВ фотолари.

„Қишлоқ ҳақиқати"га жавоб берадилар

МАКТАБЛАРГА ЭЪТИБОР КУЧАЯДИ

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг 29 январь сонида босилган мақолада Жомбой район халқ маорифи бўлими кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва улар билан ишлашда жиддий камчиликларга йўл қўяётганлиги ҳақида фикр юритилган эди. Район партия комитети эса ўткир масалаларни кўтариб чиқишдан четда туришга интилаётганлиги танқид қилинганди.

Ушбу мақолага Самарқанд область партия комитетидан қуйидагича жавоб олинди:

«Шамол оғирни ўйнатолмайди» сарлавҳали мақолада таъкидланган фактлар тасдиқланди. Жомбой район партия комитети, район халқ маорифи бўлими мактаб директори Ҳ. Исмоилова фаолияти билан боғлиқ масалага ўз вақтида етарли эътибор бериштмаган. Район партия комитети «Шонли меҳнат» газетасида босилган «Қимматга тушган талабчанлик» сарлавҳали мақолага жиддий муносабат билдирмаган. Натижада мазкур мактабда носоғлом вазият вужудга келган. Бу воқеага ҳатто ўқувчилар ҳам жалб этилган.

49-мактаб директори О. Биловова район партия комитети бюросининг 1987 йил 17 декабрдаги мажлисида ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан ҳайфсан берилган. Бироқ район халқ маорифи бўлими раҳбарлари келишувчилик йўлини тутиб вазифасидан «ўз аризасига кўра бўшади», деб буйруқ берганлар.

Мақола 21 апрелда район партия комитети бюросида кўриб чиқилди.

Район партия комитети бюросида райком секретари Д. Одиловага, пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари А. Ёшузоқова район халқ маорифи бўлими иши устидан назоратни бўшаштириб юборганликлари кўрсатилди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда йўл қўйган камчиликлари учун РайОНО мудири А. Ҳакимовга қаттиқ ҳайфсан берилди.

Айни пайтда 49 ва 52-мактабларда жамоатчилик кучи билан соғлом вазият юзага келтирилди.

Ф. ШУКУРОВА,
Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг секретари.

Мижозлар мамнун

Йил бошидан буён хўжалик ҳисобида ишлай бошлаган Пахтачи районидаги «Самарқанд» колхози ҳаммомида мижозлар учун барча қулайликлар яратилган: радио, телевизор, телефон, газета, журналларнинг янги сонлари, шахмат-шашка, медицина аптечкаси ва ҳакозо. Шу боис бу ерга нафақат маҳаллий аҳоли, балки қўшни районлардан ҳам одамлар тез-тез келиб туришади.

Мавжуд қулайликлар ва саломатлик маскани ходимларининг намунали хизматидан мижозлар хурсанд бўлишаяпти.

Б. ХУДОЙНАЗАРОВ.
Б. БОЙБУТАЕВ.

Сатрларда ҳаёт нафаси

Редакцияга келаётган мактубларни ўқир эканмиз, ҳаёт нафасини, давр сасини чуқурроқ ҳис этгандек бўламиз. Уларда республикамиз меҳнаткашларининг орзу-умидлари, қувонч ва ташвишлари, қилаётган ишлари ўз аксини топган.

Хатларнинг муаллифлари меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари эришаётган муваффақиятлар, қайта қуришнинг дастлабки самаралари ҳақида тўлқинланиб ёзадилар. Йўл қўйилаётган камчиликларни ошкора танқид қиладилар, уларни қандай бартараф этиш мумкинлиги тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.

Мисол учун боёвутлик И. Бобоев мактубини олайлик. У меҳнаткашларга маданий-маиший шароит йўқлиги тўғрисида қуйинди ёзади: «Боёвут» ғишт заводи сурункасига ишлаб чиқариш планларини бажармаяпти. Чунки бу ерда ишчи кучи етишмайди. Кадрлар қўнимсизлиги юқори. Корхона раҳбарлари билан бу ҳақда гаплашгудек бўлсангиз, ўнлаб сабабларни кўрсатишади. Афсуски, ишчи-хизматчиларга маданий-маиший, меҳнат шароитлари яратиш ночор аҳволда. Уларнинг кўнгилли дам олишлари билан ҳеч ким қизиқмайди. Ойлик иш ҳақлари яхши, бироқ одамларни энди фақат маош эмас, меҳнат натижаси, — мазмунли, маданий яшаш қизиқтирмоқда».

Сурхондарёлик Асад Қиличев «Фармон буви юрт кезади» мақоласида социал-маънавий ҳаётимиздаги нохушликлар ҳақида мушоҳада қилади: «Ўтган йили А. Набиев номли совхозимизда уч оила бузилиб кетди. Биз томонга Жарқўрғондан келин бўлиб тушган С. исмли аёл ва унинг турмуш ўртоғи Қ.нинг сўзлари кишини чуқур ўйга толдиради. Бизнинг: «Нега ажралишмоқчисизлар?» деган саволимизга келин: «Беш ойлик фарзандимиз бетоб бўлиб касалхонага тушдим. Турмуш ўртоғимга дори топиб келинг, десам, «Бор пулимни ота-онангга берганман», — деб баҳона қилади. Неча йил бирга яшаган бўлсак, менга ёки рўзғорга бирор нарса олиб келганлигини эслай олмайман», — дея кўз ёши тўкса, куёв: «Мана шу хотиним учун қарз-ҳавола қилиб, нақд тўрт минг сўм пул, ўттиз беш бош қўй берганмиз. Ишонсангиз, тўйдан бироз кейин оламдан ўтган онаизорим учун уйимиздан лоақал тўрт метр сурп тўпилмади. Ҳалиям ҳамқишлоқларимдан миннатдорман. Пул тўплашиб, онамнинг дафн маросимини ўтказишда ёрдам беришди. Ҳали яна икки ярим минг сўм қарзим бор. Ўзим 120 сўм маош оламан. Хотиним айтаётган дори қўлда 100 сўм турса, мен нима қилай?», — деб зорланади».

Муаллиф мақоласида қадоқ қўллар билан топилган пулни тежаб-тергаб ўз ўрнида ишлата билиш кераклигини, ортиқча чиқимли ва дабдабали тўй-маъракалар ўтказиш нотўғри эканлигини таъкидлайди. У — ҳақ.

Ғиждувонлик Г. Қўлдошева «Келинчакликнинг оппоқ либоси» мақоласида худди шундай иллатларни қоралаб қаламга олган.

Ш. Абдутолипованинг «Учрашув» қатраси ҳам одобахлоқ мавзуига бағишланган.

Жойларда эришилаётган муваффақиятлар, ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришлар, нишонланаётган саналар — қишлоқ мухбирлари, газетхонларимиз назаридан четда қолмаяпти. Избосканлик Ш. Келдиев район кинолаштириш дирекцияси коллективи юбилей йили планини муддатидан олдин бажарганлигини ва тўрт минг сўм маблағ давлат кассасига ўтказилганлигини хабар қилади. В. Мамадалиев эса ўз мактубида Иштихон шаҳридаги марказий дорихона коллективи ўзи ҳам юбилей йилида намунали хизмат кўрсатиб, планни ошириб бажарганлигини, бу ишга СССР соғлиғини сақлаш аъзоси Зиё Мухлисов муносиб ҳисса қўшганлигини маълум қилади. Жарқўрғонлик Ж. Давлатов райондаги «Коммунизм» колхози аптекаси коллективининг меҳнат ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади. Нарпайлик З. Ҳасанов «Иттифоқ» колхозида яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, пиру бадавлат Улашбобо Исканов 87 ёшини нишонлаганини ёзади.

Куни кеча редакциямиз почтасига келиб тушган мактубларни фарғоналик С. Маннопов, Х. Исмоилова, Ўзбекистон районидан М. Каримов, Хўжаобод районидан М. Абдуқодиров, Термиздан А. Усмонов, Шаҳрисабз шаҳридан М. Усмонов, Қодиров, Зокиров, Чортоқ районидан Х. Дадабоев, Избоскан районидан Б. Мавлонов, Тошкент районидан С. Султонов, Паст Даргом районидан Н. Эшқувватов, Оққўрғон районидан И. Эшматов, Қаттақўрғондан М. Эргашев, Яккабоғ районидан К. Алиева, Шофиркон районидан П. Неъматов, андижонлик А. Хўжамуродов, Б. Сиддиқов, Ангор районидан Х. Жумаев, Нурота районидан А. Бегматов йўллашибди. Улар ўзлари яшаб, меҳнат қилаётган хўжаликларда эришилаётган муваффақиятлар ҳақида хабар қиладилар.

Ҳурматли газетхонлар! Сизлардан келаётган хатлар сони тобора кўпайиб бораётгани редакция коллективини қувонтиради. Биз сизлардан янги-янги мактубларни кутамиз.

Хатларни ўқиб

Мутахассислар ҳақида ҳикоялар

ОДАМЛАР СЕНГА ИШОНСИН

Қува осмонида айланаётган сим-сиёҳ булут чошгоҳда Асакага етиб келди. Ямяшил қирлар, бедазорлар бир зумда қорамтир тусга кирди. Дафъатан жала қуядиганга ўхшади. Бирор лаҳза катта-катта томчи тушди-ю кейин майдалаб ёмғир савалай бошлади. Абдурайим аканинг чеҳрасига ёруғлик тушди. Хайрият, дўл ёғмайдиган бўлди, деб ўйлади у. Шитоб сузаётган булутларга киприк қоқмай қараб, ҳадемай улар ўтиб кетишига ишонса-да барибир юрагини ҳовучлаб турарди.

Деҳқоннинг юзта дўсти бўлса, энг садоқатли ва сахийси табиат. Агар душмани бўлса, энг бераҳм ва қаттол ҳам шу. У илтифот кўрсатса деҳқон армони борича ишлайди, қоқилмай-суринмай мўлжаллаган довонига шаҳдам чиқиб боради. Мабодо инжиқлик қилса-чи? Бу энди кўргилик. Режалар остин-устун бўлади. Бир иш ўн заҳматга айланади. Машаққатларни эса тажрибали, матонатли кишилар енга олади.

Абдурайим ака таҳликага бугун тушаётгани йўқ. Отаонаси шу ердан зироат билан тиричилик қилишган. Болалигида момақалдироқ, жала, дўлга бир сеҳрли дунё сифатида ошифта боққан. Баъзан уни сабрсизлик билан кутган. Баҳорнинг бу нотинч жазавасидан завқланган, лекин унинг зарарини кўрмаган.

Ҳозир эса тамоман бошқа туйғу, ўзга тафаккур билан бу сеҳр дунёсига безовта боқмоқда. Йигирма етти йилдирки, зиммасида масъулият, эл юки, ташвиши. 1961 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини тамомлаб йўлланма билан ўз колхози — «Правда Востока»га келди. Хўжаликка донгил пахтакор, агроном-олим Зокиржонака Собиров етакчилик қиларди. Ишни агроном-энтомологликдан бошлади. Қисқа вақт ичида колхоз ҳаётига сингиб кетди.

Абдурайим аканинг иш фаолияти фақат олдинга, юксакликка қараб боришдан иборат бўлгани йўқ. Институтдан келиб Ленин районидагина эмас, областда, республикада ном чиқарган хўжаликда иш бошлаш ҳазилакам эмас. Баҳслар, қизиқондиклар, ўжарликлар ҳам бўлди, кези келганда ноҳақлигидан мулзам тортди, қизарди. Лекин бир нарсани аниқ ҳис қила бошлади. Бу колхоз кўпинча намуна қилиб кўрсатилади. Ҳамманинг кўз ўнгида ютуқлар билан бирга хато ва камчиликлар ҳам намоён бўлади. Қолаверса, колхоз раҳбарлари ҳамда мутахассисларидан самимийлик, кенгфеъллик, меҳрибонлик кўрди. Булар унга ҳам юқди, катта масъулият юклади. Уни ҳар томонлама тарбиялашди: яхши ҳаракатини қўллаб-қувватлади, камчиликларини юзига айтишди.

Колхоз бош агрономи Феодор Хам Сирдарё областидаги йирик хўжаликлардан бирига раҳбар этиб тайинланди. Район раҳбарлари Феодор Сумбовичдан ўрнига номзод сўрашганида у иккиланмай А. Ортиқовни кўрсатди.

Эртаси куни правление мажлисида кўпчилик янги бош агрономнинг режалари билан қизиқди.

— Ниятларим янгилик эмас, — деди у ўрнидан туриб. — Фақат қатъият керак. Биринчи навбатда тупроқни тўйдиришимиз зарур. Алмашлаб экишни тўла жорий этиш пайти келди. Бу борада йўл қўйилган ҳар бир хато ерга нисбатан тажовуз ҳисобланади. Иккинчидан, гўнг оборотига ичил ўтиш лозим. Азот, фосфор билан тупроқни бойитиб бўлмайди. Маҳаллий ўғитгина унинг донадорлигини оширади. Учинчидан, ҳар беш йилда бир марта бутун экин майдонларимизни ёппасига 60 сантиметр чуқурликда ҳайдашни одат тусига киритиш шарт. Шунда юқоридаги чириндили қатлам пастга тушади, ўсимликнинг эркин илдиз отишига шароит яратилади. Шу тариқа гектарлар самарадорлигини ошира бориш мумкин. Тўртинчидан...

Бу мулоҳазалар ўринли ва бир-бирига узвий боғлиқ эди. Абдурайим ака бош агрономликни шу ишлардан бошлади. Колхоз правлениесидагина эмас, партия ташкилотининг очиқ партия йиғилишида, Кужган қишлоқ Совети сессиясида, ҳар бир бригаданинг умумий йиғилишида ўз фикрини айтиб, қатъий турди.

Ўша йилнинг охирида алмашлаб экиш схемаси тузилиб, тўлиқ амалга оширилди. 32 бригаданинг ҳаммасида маҳаллий ўғит тўпланадиган ва чиритиладиган махсус ўралар барпо қилинди. Гўнг обороти йўлга қўйилди. Шу асосда ҳар гектар майдонга 40 тоннадан маҳаллий ўғит солина бошланди. 1986 йилда 582, бултур 558, бу йил 580 гектар ер шу тарзда тўйдирилди. Экинларни парваришлаш агротехникасида ҳам талабчанлик кучайди.

Агрономнинг салоҳияти нималарда намоён бўлади? Менимча, ер унумдорлигида, планларнинг бажарилишида, меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигида, хўжаликнинг бой-бадавлатлигида кўринади. Чунки у ер донишманди, замин эса хўжалик хазинаси. Ундан қандай фойдаланиш мутахассис билими ва тажрибасига боғлиқ.

Абдурайим аканинг ҳаракатлари зое кетмаётир. Ўтган йили колхозда помидор ҳосилдорлиги гектар бошига 327 центнерни, карам 310 центнерни, бодринг 100 центнерни ташкил этди. 8 миллион 198 минг ўрнига 10 миллион 226 минг сўм даромад олинди. Рентабеллик 35 процентдан ошди. Ҳар гектар ҳисобига 3.230 сўмлик маҳсулот етиштирилди. Сабзавот экилган майдонларда бу салкам беш минг сўмга етди. Абдусалом Ҳайитов, Имямин Раҳимов бошлиқ бригадаларнинг аъзолари йил охирида бир сўм асосий иш ҳақига 1 сўм 75 тийиндан қўшимча ҳақ олишди.

Ўтган йилги воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Пахта терими авжига чиққанда қалин қор тушиб, анча ҳосил нобуд бўлди. Шундай қийин шароитда областда пахта тайёрлаш планини бажарган иккинчи хўжаликнинг бири «Правда Востока» колхози эди. Шунча йўқотишдан кейин ҳам топшириқ уддаланган экан, демак, бу мутахассиснинг билими, тажрибаси етуклигидан далолат.

Агроном — ер шифокори, унинг меҳрибон посбони. Шу боисдан Абдурайим аканинг ўй-хаёли ҳам, юрадиган йўли ҳам, бир нафас ўтириб ҳордиқ чиқарадиган жойи ҳам дала. Шудгорлаш сифатидан бир қувонганди, майдон экишга тайёр бўлганда янада енгил нафас олди. Помидор, карам, бодринг, ниҳоят чигит экиб тўпланганда чеҳраси ёришиб кетди. Униб чиққан мурғак ниҳолни кўрди-ю яна ороми йўқолди. Тонгдан кеч шомгача тинмайди. Фозилжон Пармонов бригадасига борди-ю шийпонга кирмай, ўқариқ олинаётган томонга шошилди.

— Собиржон, — деди трактор ишини кузатиб турган сувчи йигитча, — хушёр бўл. Ўтган йилдагидек паст жойдан ўқариқ олдирмагин. Ўзинг қийналасан.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобилжон Мирзаев бригадасига борганида қуворинб кетди. Шийпонда ҳеч ким йўқ, ҳамма далада. Очиқ майдонга қатор терилган қоғоз тувакчалар томон шошилди. Ҳар бригадада бир-бир ярим гектар ерда эртаги карам, редиска, ошкўк етиштирилади. Ҳосил ўн бешинчи майгача йиғиштирилиб, ўрнига чигит қадаларкан. Бундай пахта бироз кечки бўларкан. Агроном чорасини топибди. Ҳар бир бригадада чиқит қоғоздан 40—45 мингтадан тувакча ясатиб, уларга оз-оздан чиритилган гўнг устига майин тупроқ солиб, ундирилган чигит экибди. Ниҳол ўсгани сайин атрофига тупроқ сепиб туриларкан. Карам, редиска, ошкўк саранжомланиши билан ер ҳайдалиб, гўнг солиниб, тувакчалар уя-уяга экиб чиқиларкан. Қарабсизки, улардаги ниҳол дастлаб чигит қадалган майдонлардаги билан баравар ривожланаверади. Шу бир гектардан 8—10 минг сўм даромад келади. Бу пахтаникига қўшимча. Абдурайим ака қайси бригадага бормасин, қўлбола ғўзаларни эринмай кўздан кечиришга одатланган.

Бош агроном билан дала айланарканман унинг хатти-ҳаракатлари, одамларга муомаласи, ишни ипидан-игнасигача эринмай сўраб-суриштиришини кузатдим. Механизатор, сувчи, яғана қилаётганларми, сабзавоткорми, кимнинг олдига борса самимий, очилиб-сочилиб гаплашади, оилавий аҳволини, соғлиғини сўрайди. Навбатдаги бригадага борганда ғалати усулни қўллади.

— Ишингиздан мамнунмисиз? — деб сўради суҳбат охирида.

— Ҳар қалай, ёмон эмас, — деди бригадир ишонч билан.

Қайтаётганимизда бригадирни машинага таклиф этди. Бир жойга бориб сўнгра қайтиб келишимизни айтди. Иккита бригадани кўриб чиқдик. Манзилга етмасданоқ бригадир безовталанди:

— Тушундим, Абдурайим ака. Яганалашда орқада эканмиз. Икки-уч кунда тенглашиб оламиз, — деб тан олди.

Йўл-йўлакай агрономни суҳбатга тутаман.

— Биласизми, — дейди у, — чинакамига ишлайдиган вақт келди. Лекин ҳамон топшириқ кутиб ўтирадиганлар учрайди. Ўзи билиб, ишини қилиб кетавермайди. Мана, мен ерга, ҳосилга масъулман. Ғўзага сув қуйиляпти, культивация бўляпти, ягана қилинаяпти, деб бамайлихотир юрсам бўлади. Аммо юролмайман. Чунки шу уч жараёнда гектар ҳисобига 3—4 центнер пахта қўшиш ёки йўқотиш мумкин.

Колхозда йигирма етти йил агрономлик қилиб, одамларга ҳосилнинг тақдири қачон ва қандай шароитда ҳал қилинишини тушунтира олдим. Гапириб эмас, бригадасида, даласида, эгатида амалий равишда кўрсатиб исботладим. Колхозчилар менинг ҳам, бошқа мутахассисларнинг ҳам сўзига, фикрига, тавсиясига ишонишади. Бу, менимча, катта бахт.

Шу гаплардан кейин бир ҳақиқатга ишондим. Кишиларни тўғри йўлдан етакласангиз, улар ортингиздан эргашаркан. Ишонгандан кейин сизни ҳам, ўзини ҳам алдамасликка ҳаракат қиларкан. Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик фош этилгач, бир канча хўжаликлар эгаллаб турган шоҳсупаларидан сирғалиб тушиб кетишди. «Правда Востока» колхози қингир йўлдан юрмаганлиги учун ҳам ўша юксакликда турибди.

Меҳнат аҳли чигитни қулай агротехник муддатларда қадади. Биринчи ишлов бошлаб юборилди. Абдурайим Ортиқов уч шогирди: агроном-энтомолог Келдибой Йўлдошев, агрохимик Олимжон Ашуров, сабзавотчилик агрономи Маҳаммаджон Ғуломовлар билан парваришнинг боришини назорат қилишаяпти. Кечқурун бажарилган ишга якун ясалиб, эртанинг режалари кўрилади. Саҳарлаб далага йўл олишади.

Абдурайим ака яна тонг билан уйғонди. Субҳидам еллари димоғига майсалар бўйини тутди. Ҳа, айтгандай, бу унинг эллик иккинчи баҳори. 108 ёшли онаси Эсонбуви эса ҳовли кезиб юрибди.

— Ишингга кетаяпсанми, Абдурайимжон? — сўради она.

— Ҳа, эртароқ бормасам бўлмайди.

— Ўзингни эҳтиёт қил, болам. Чойга новвот солиб қўйдим. Бир-икки пиёла босиб-босиб ичвол. Чанқамайсан. Вақтида овқатлангин.

Абдурайим ака онасига «хўп» ишорасини қилиб кўчага чиқади-ю, мийиғида кулиб қўяди. Ярим асрдан зиёд яшаб қўйса-да, онаси ҳалиям уни ёш боладай эҳтиётлайди. У катта йўлдан шаҳдам одимлаб бормоқда.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.



Наманган райони кооператорлари Озиқ-овқат программаси ижросига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ички резерв ва имкониятларни сафарбар этмоқдалар. Яқинда район матлубот жамияти қошида колбаса цехи қурилиб, ишга туширилди. Бу корхонада бир кеча-кундузда 750 килограмм маҳсулот тайёрлаш мумкин. Цех Югославиядан келтирилган энг замонавий машина-ускуналар билан жиҳозланган. Диққатга сазовор яна бир жиҳати шундаки, кооператорлар колбаса тайёрлаш учун хом ашёни ўзларининг бўрдоқичилик базаларидан олмоқдалар.

СУРАТДА: янги цех ишчиси Муҳаммаджон Раҳимов технологик юмушлардан бирини бажармоқда.

А. КОВТУН фотоси. (ЎзТАГ).

ХУШХАБАРЛАР

МУНОСИБ УЛУШ

Косонсойдаги 151-қурилиш ташкилотининг Мўминжон Сатторов, Қамбарали Зоҳидов, Собитжон Қосимов, Муҳаммаджон Дадажонов бошлиқ бригадаларида планлар ошириб уддаланаётир. Ўз-ўзидан аёнки, бунга коллектив ҳар бир аъзосининг самарали, астойдил меҳнатисиз эришилмайди. Қўлга киритилаётган ютуқларда Исроил Қодиров, Усубжон Комилов, Исмонжон Абдуллаев, Охунжон Халилов, Абдужалил Сатторов, Жамолиддин Неъматов сингари биноқорларнинг ҳиссалари салмоқли бўлаётир.

Ю. ШАРИПОВ.

МУҲИМ ОМИЛ

Каттақўрғон шаҳридаги дон маҳсулотлари комбинати ишчи-хизматчилари аҳолининг талаб ва эҳтиёжига яраша маҳсулот етказиб бериш йўлида астойдил ҳаракат қилишаётир. Яқинда корхонада янги элеватор қурилиб фойдаланишга топширилгани қувончли воқеа бўлди. Замонавий омборнинг ишга туширилиши эса донни яхши сақлаш имкониятини яратиш билан бирга унинг ерга тўкилиши, нам тортиши, майда тош, қум аралашувига ҳам барҳам берди.

Ғ. ШУКУРОВ.

Биз — интернационалистларимиз

БИР ОСМОН ОСТИДА

Афғонистон Республикасида йигитлик ва интернационал бурчимизни ўтаётганимизда куч-қудрат, дўстлик ва бирликда эканига ишонч ҳосил этдик. Аксилинқилобчилар афғон деҳқонларига даладаги ҳосилни йиғиб олишга, завод ва фабрика ишчиларига эса тинч ишлашга имкон бермасдилар. Мактабларга ўт қўйишар, болаларнинг ўқишига халақит берардилар. Уларни Савр инқилоби ҳимоячилари — афғон жангчилари билан бирга душманлардан ҳимоя этдик. Рус, озарбайжон, арман, грузин, латиш, тожик, ўзбек, туркман ва қозоқ йигитлари афғонлар билан елкама-елка жанг қилдилар. Мен командирлик қилган танкда сумгаитлик Аббос Аббосов, бокулик Жумшуд Валиев ва Горький шаҳрилик Сергей Штанков бор эди.

Бир куни Иброҳим хел ва Чашман шер қишлоқларида деҳқонлар йил бўйи пешона тери тўкиб етиштирган буғдойга босмачилар ўт қўйишаётгани ҳақида хабар келди. Командиримиз махачкалалик катта лейтенант Александр Зайчиков бошчилигида ҳарбий машиналарга ўтириб, ёрдамга отландик. Етиб келганимизда буғдой ғарамлари ёнар, қаттиқ отишма авжида эди.

Танк минага дуч келиб, ишдан чиқди. Озарбайжонлик йигитлар Аббос Аббосов ва Жумшуд Валиев тракларни тез алмаштирдилар. Арман дўстимиз Ашот Аротурян бизни ҳимояга олди. Душман чекинди.

Афғон қишлоғига яна осойишта оқшом чўкди. Кечки гулхан атрофида ҳамма йиғилди. Афғон солдатлари ҳам биз билан эдилар. Қишлоқ болалари ҳам даврага қўшилди.

— Сизлар ҳаммангиз бир миллат бўлсангиз керак-а, шўравийсизлар-ку, — қизиқиб сўради уларнинг бири.

— Йўқ, бизнинг миллатимиз, тилларимиз, ҳатто урф-одатларимиз ҳам бошқа-бошқа, — тушунтирдик биз.

— Ҳаммангиз бир тилда сўзлашаяпсиз-ку, — ажабланди бола.

— Бизни рус тили бирлаштирган. У орқали бир-биримизни тушунамиз, — жавоб қилди озарбайжон Аллаёр Мамедов.

— Биласанми, бу тилда Ленин сўзлаган, — суҳбатга қўшилди мордвин дўстимиз.

— Сен тўғри айтдинг, болакай. Буларнинг ҳаммаси акаукалар, қара, манови кичиги укаси, каттаси эса акаси, — — дея ҳазиллашди командир Зайчиков.

Биз афғон халқининг озодлиги учун яна кўп марта жангга кирдик. Душман ўқлари остидан бир-биримизни олиб чиқдик, қурбонлар бердик, унсиз йиғладик. Ҳалок бўлганларнинг номи қалбларимизда мангу муҳрланиб қолди. Уларни эслаб, байрамларда ота-оналарига мактуб ёзиб туришга қарор қилдик. Хизматин тугаллагандa турли миллат фарзандларининг бир-бирлари билан хайрлашиши ниҳоятда қийин бўлди, кўзларга ёш келди.

Ҳали ҳам бир-биримизга мактублар ёзиб турамиз.

Қ. СУПИЕВ.

ҚАЙТА ҚУРИШ НИШОНАЛАРИ

ЁРДАМ, ХУЛОСА, САБОҚ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қабулхонасидан репортаж

Қўлёзма ноширга етиб боргунча ўн йил вақт ўтди. Уни ўқишар, муҳокама қилишар, маъқуллашарди ва... орқага суриб қўйишарди. Ваҳоланки, уни ана шу бутун вақт мобайнида китобхонлар кутаётган эди. Чунки ўтмишни тасвирловчи монография ҳозирги ва эртанги кунимизни чуқурроқ идрок этишга ёрдам берар эди.

Билимдонларнинг фикрича, профессор Ю. О. Отабековнинг «Тошкентнинг юз йил мобайнидаги (1859—1959 йиллар) соғлиқни сақлаш тарихи» асарига айни мана шу сифатлар хосдир. Бу асарда Ўрта Осиёдаги энг катта шаҳарнинг замонавий соғлиқни сақлаш соҳасида орттирган тажрибаси йиғилиб, умумлаштирилган, анъаналар давомийлиги, медицина таълимининг қарор топиши, илм-фаннинг ривожланиши таърифлаб берилган. Айни вақтда бу келажакка ташланган назардир.

Мана, шу тадқиқотда белгиланган марра ҳам ортда қолди, муаллиф ҳаётдан кўз юмди, асар эса китобхон билан учрашувни ҳамон кутиб ётар эди. Ана шунда олимнинг рафиқаси Олий Советга мурожаат қилди.

Бундай мурожаатнинг алоҳида маъноси бор. Кимдир бошқа ҳамма воситалардан умид узган кишиларгина ўша ерга мурожаат қилишади, дейиши мумкин. Эҳтимол... Аммо кўпинча бу ўз давлатининг принциплари ва тартиб-қоидаларига жуда чуқур ишончнинг далилидир. Ишни дарҳол равшанлаштиришга, адолатга эришишга муваффақ бўлинмаганига нима дейиш мумкин?... Умид узилгани йўқ: одам барча идораларда талаби қондирилишига эришмаганидан кейин олий ҳокимиятга мурожаат этмоқда.

Одатда бошқа имкониятлари қолмаган кишиларнинг шундай мурожаатларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қабулхонасида кузатишимга тўғри келди.

Бу кишилар олдиндан тайинлаб қўйилган кун ва соатда — эрталаб соат 11 да ҳозир ҳам Ленин майдонининг кўрки бўлиб турган қадимги бинога келишди. Аммо қабул аслида шу муддатдан илгарироқ бошланган эди. Пўлат Қирғизбоевич Ҳабибуллаев вестибюлдаёқ одамлар билан танишиб, уларнинг ҳар бири билан қўл бериб кўришди: шу пайтда талаб ёки илтимоснинг моҳияти нимада эканлигининг аҳамияти йўқ, чунки уларнинг ҳаммаси — тенг ҳуқуқли гражданлар, қабул олдидан танишиш эса Президиум раиси билан унинг ҳамгражданлари ўртасидаги ўртоқларча муносабатни таъкидлайди.

Уларнинг ҳаммаси президент билан шахсан учрашувга қадар референтлар, қабулхона ходимлари билан обдон гаплашиб, йўл-йўриқ олишган, албатта; баъзи нарсаларни мана шу мўътабар ташкилот номидан тегишли идораларга мурожаат қилиб оператив равишда ҳал этиш мумкин. Олий даражадаги учрашув зарур бўлиб қолган ҳолларда ҳам кўп нарсани олдиндан аниқлаб, камчиликларни тўлдириш, ишнинг моҳиятини тушунтириб бериш керак бўлади... Маълумотномада баён этилган шу ишни Президиум раиси одамларни таклиф қилиш олдидан синчиклаб кўриб чиқади.

...Ўша қўлёзма муносабати билан қилинган илтимос ўзига хос тарзда «ривожлантирилди». Нашрга тайёрлансин! Шу заҳотиёқ махсус илмий таҳрир қилиш, эҳтимол тутилган қўшимча ва аниқликларни киритиш каби амалий тадбирлар белгиланади — вақт ўтиб бораяпти-да, янги маълумотлар ва вазиятларни эътиборга олиш керак... Сўнгра профессор Отабековнинг бошқа асарлари тўғрисида гап очилади, суҳбатдошлар жаҳон медицинаси устозларидан Абу Али ибн Синонинг ишонарли қиёфасини тиклаган андижонлик олимларнинг жуда мароқли тадқиқотини эсга олишади...

Ҳаммаси равшанми? Раис эса аёлнинг яна бир неча минут қолишини сўрайди — унинг шахсий ижоди тўғрисида ҳам гаплашиб олиш керак. Юсуф Отабековичнинг рафиқаси Андижон медицина институтида у билан ёнма-ён меҳнат қилган. Ҳозир пенсияда бўлишига қарамай, медицина фанлари доктори К. С. Отабекова қадимги темаси — касалликларнинг рентгенологик диагностикаси билан шуғулланмоқда. «Бу — монографиянинг асоси бўлиб қолиши мумкин, тўғрими?» — «Айни муддао бўлур эди...» — деб жавоб қайтаради Кошифа Сулаймоновна. Сўнгра улар монография устида ишлаш шароитлари хусусида гаплашишади.

...Яхши кайфият навбатдаги учрашувдан бирмунча ёмонлашади. Ўз уйини ремонт қилишга эришишдан умидини узган 11 оиланинг вакиллари қабулга келишибди. Референт тайёрлаган маълумотномада қуйидаги сўзлар ёзилган: «Ўй 32 йилдан буён ремонт қилинмаган, барча инженерлик иншоотлари ,яроқсиз ҳолга келиб қолган, томдан чакка ўтади, подвал сувга тўлган, дудбурон ишламайди. Район ижроия комитетига ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатига мурожаат қилишган... Район ижроия комитети капитал ремонт 1987 йил планига киритилган деб жавоб қайтарди...»

Ахир ҳозир 1988 йил-ку! Кечиктириб бўлмайдиган биринчи хулоса — тегишли ташкилотларга уйни яхши ҳолга келтиришни топширишдир. Иккинчи яна бир муҳим хулоса эса Собир Раҳимов район ижроия комитети раҳбарларининг иш услубига эътиборни қаратиш керак — улар гражданларга, сайловчиларга берган сўзларининг устидан чиқмадилар. Қийинчиликлар бормиди? Лойиҳа институти панд бердими? Бунинг ишга дахли йўқ: сўз билан иш бир жойдан чиқиши керак, борди-ю бирон-бир «ғайритабиий» воқеа содир бўлиб қолган тақдирда ҳам гражданларнинг олдига чиқиб узр сўра, вазиятнинг моҳиятини тушунтириб беришга ҳаракат қил. Шундай қилиб, конкрет шикоят ҳамма учун фойдали бўлган яна бир сабоқ чиқариб олиш имконини беради.

Ҳам ёрдам, ҳам хулоса, ҳам сабоқ: гражданларни қабул қилишнинг асосий нишоналари мана шулардан иборат деса, бўлади. Баъзида ҳар иккала кишига — илтимосчига ҳам, президентга ҳам осон бўлмайди. Мана, кўп болали аёл «пахтани қўшиб ёзиш» учун ҳукм қилинган эрига нисбатан шафқат сўраб бу ерга келибди. Болалари ҳам шу ерда. Уларни кўришнинг ўзиёқ бу оиланинг кулфатидан яққол далолат бериб турибди. Ишлаб топилмаган пул уйга келиб турганида у хавотирланмаганлигини, оила бошлиғини огоҳлантирмаганлигини аёлнинг юзига солиш керакми? Эҳтимол у шуларнинг ҳаммасини бусиз ҳам обдон ўйлаб ҳис этган бўлса керак. Кўмак беришни ваъда қилиш керакми? Рад этиш керакми? Бундай ҳолда унисини ҳам, бунисини ҳам қилиб бўлмайди. Президент фақат иш қайта кўриб чиқилишига ҳаракат қилишигина мумкин, холос. Гражданларнинг ҳаммаси қандай лавозимни эгаллаб туришларидан қатъий назар қонун олдида баравар эканлигини бу аёлга такрор-такрор тушунтириш керак бўлади. Ҳеч ким шахсан жазо бера олмагани каби суднинг қарорини шахсан **бекор** ҳам **қила олмайди.** Илтимосномани мўътабар комиссия кўриб чиқади, у жазони оғирлаштирадиган ва енгиллаштирадиган барча ҳолатларни, конкрет вазиятни ҳам эътиборга олади. Аёл ҳам кўп нарсани тушуниб жўнаб кетади, ҳар ҳолда бизга шундай туюлди. Ҳозирча болалар тўғрисида ғамхўрлик қилишади, уларнинг ҳаммаси ўз қишлоғига омон-эсон етиб боришларига ёрдам беришади.

Суд ишлари юзасидан келган бошқа бир илтимосчига раис унинг ножўя иши тўғрисида нимани ўйлаётган бўлса. бор гапнинг ҳаммасини дангал айтди. Тартиб-қоидаларни жуда яхши билган, бозорда осонгина пул топмоқчи бўлган «учар» ёрдам сўраб илтимос билан келибди. Пайти келганда у автомобиль деталларини харидорга инки баравар қиммат нархда сотишдан ,қайтмаган. Бунда ҳам тегишли идоралар ишни қонунга мувофиқ ҳал этишлари лозим бўлади. Тўғри, уларнинг эътибори шунга жалб қилиниши мумкинки, айбдор хунук иш қилиб қўйганлигини англаб етган, илгари бундай ишлар билан шуғулланмаган, қолаверса кўзда тутилган энг кўп муддат билан қаттиқ жазолаш оилага ҳам доғ туширади... Лекин барибир жазо берилади, ҳеч бўлмаганда шартли равишда жазоланади ёки камида жарима солинади.

Суд ишлари, ҳукмлар юзасидан илтимосномалар айниқса кўп. Бу тушунарли албатта — гап одамлар тақдири тўғрисида бораяпти. Бу ерга келганларнинг ҳаммаси ҳам шафқат қилишни сўрашавермайди — суд қарорига қўшилмаган, адолатни, ишнинг қайта кўриб чиқилишини, оқлашни **талаб қилувчи** гражданлар ҳам қабулга келадилар. Нима ҳам дердик, бу уларнинг исталган идорага мурожаат қилишдан кашлигига онанинг норозилигидир. Суд органлари даъвогар онанинг фикрича ўғлининг ўлимида айбдор бўлган медикларга нисбатан даъвони кўриб чиқишни пайсалга солишмоқда.

Ҳокимият олий органига қилинган ҳар бир мурожаат кўриб чиқилиши керак. Лекин бошқа нарса тўғрисида ҳам ўйлаш лозим. Ҳар бир иш билан Олий Совет Президиумига бораверИш шартми? Баъзида биз муаммони унинг ўзига мос даражада ҳал қилишга уриниб кўрмай ўз ҳуқуқимизни суистеъмол қилмаяпмизмикан? Инвалидларнинг меҳнат қобилиятини экспертиза қилиш ва қайта тиклаш каби жуда муҳим иш топширилган катта институтнинг раҳбарини тушуниш мумкин: у мана шу муассасани мослаштирилмаган бинодан бошқарув аппарати қисқартирилиши муносабати билан бўшаб қоладиган бинога кўчиришни илтимос қилмоқда. Бундай ишни ҳал этишга ҳақиқатан ҳам бирон-бир муассасанинг қурби етмай қолиши мумкин ва уни кўпгина ташкилотларнинг фикри ва манфаатларини эътиборга олиб юқори доирада кўриб чиқиш керак бўлади.

Мана, Тошкентда яшовчи бир аёл келди, у телефон ўрнатиш тўғрисида елиб-югураяпти. Алоқа министрлиги техник вазиятларни рўкач қилиб, унга рад жавобини берган. Лекин унинг асосли далиллари бор: аёлнинг онаси ва ўғли оғир касал, врачларга тез-тез мурожаат этишга тўғри келади, ишдан ҳам уйга қўнғироқ қилиб яқин одамларининг соғлиғини суриштириб туриш керак бўлади. Ҳар бир киши телефон, ремонт, бошқа ҳар хил ишкалликлар тўғрисида келаверса Олий Совет Президиумининг бошқа ишларга вақти қолмаслигини бу аёл ҳам тушуниши кўриниб турибди. 1972 йилдан буён унинг шу илтимоси рад этилаётгандан кейин нима қилиш керак?

Бунда шу нарсани айтиб ўтмоқчиман: ҳокимият олий органига қилинаётган кўп мурожаатлар — ремонт, телефон, уй-жой, савдо ва бизнинг бошқа энг муҳим эҳтиёжларимиз билан шуғулланишлари шарт бўлган мансабдор шахсларнинг фаолиятсизлиги, сусткашлиги, лоқайдлигидан далолат беради.

Эҳтимол, ҳозир ҳақиқатан ҳам шу оиланинг квартирасига телефон ўрнатиш имконини берадиган техник воситалар йўқдир. Лекин ахир илтимосчи шаҳар телефон станциясида ҳисобга олинган пайтдан буён ўн олти йил ўтибди-ку! Наҳотки шунча вақтдан буён телефонлар қарамоғида икки бемор бўлган ишловчи аёлнинг оиласига қараганда кўпроқ асосга эга бўлган абонентларга берилиб келинган бўлса? Қолаверса улар ҳали телефон етиб бормаган шаҳарнинг олис чеккасида эмас, балки Чилонзорнинг бешинчи кварталида яшашади-ку! Бунинг устига мазкур шикоят бешинчи квартал аҳолисидан тушган бирдан-бир шикоят эмаслиги сабабли алоқачилар шу зонада тармоқни ривожлантиришга доир туб чора-тадбирларни кўришлари керак эди.

Шундай қилиб, Олий Совет Президиумига қилинган амалда ҳар бир мурожаатнинг илк манбаларига бора туриб, айрим арзчиларнинг конкрет муаммолари билангина эмас, балки катта-катта камчиликларга, планлаштиришдаги нуқсонларга, уюшқоқсизликка, кўпинча эса бюрократизмга дуч келамиз.

Шу боисдан ҳам ҳокимият олий органи конкрет илтимосларни, шикоятларни кўриб чиқа туриб аҳоли турли доираларининг ва умуман бутун халқнинг манфаатларига дахлдор бўлган экономика, маданиятнинг туб проблемаларини, социал ҳодисаларни чуқурроқ, яққолроқ ўрганиб чиқмоқда.

Бу — халқ билан халқ ҳокимиятининг олий органи манфаатдор бўлган том маънодаги бевосита алоқадир. Бир оз статистикадан келтирамиз: 1987 йилда республика Олий Совети Президиумида 13130 та ёзма ва оғзаки мурожаатлар қайд этилди — бир йилда 1,7 баравар кўпайди. Ўша йили Президиум раиси ва унинг шу давлат органидаги ходимлари шахсан 2452 кишини қабул қилдилар, бу эса аввалги йиллардагига қараганда анча кўпдир.

Бу гражданлик фаоллиги ўсганлигидан ҳам, халқ қайта қуришнинг бахайрлигини англаб етганлигидан ҳам далолат беради. Шундай мурожаатлар анча кўпайдики, уларнинг моҳияти қайта қуриш практикасидан, экономикани мустаҳкамлаш проблемаларидан, социал адолатни қарор топтиришдан иборат эканлиги диққатга сазовордир.

Фаоллик кучайганлигини қайд этиб, бундан мамнун бўлиб қолавериш мумкиндек эди. Бу ерда эса шундай мулоқот формасига чинакам эҳтиёжни сезишмоқда.

Илтимосчининг келишини кутиб турмаслик керак! Унга пешвоз чиқиш лозим. Бунда КПСС Марказий Комитетининг апрель пленуми, партия XXVII съезди тақозо этган анъана тўғрисида гапириб ўтиш керак. Мана икки йилдирки, республика Олий Совети Президиумининг қабулхонаси Тошкентнинг Ленин майдонидаги «асосий адрес»дан ташқари Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларида ҳам қабул кунларини ўтказа бошлади.

Президиум аъзолари референтлар билан бирга Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Урганчда одамларни қабул қилдилар... Яқиндагина Президиум раисининг ўринбосари А. П. Романовский Олмаликда қабул кунини ўтказди. Бунда кўпинча «қабул қилувчилар»нинг ўзлари ҳам меҳнат коллективларининг «қабулида» бўлиб, улар ҳузурига меҳмон бўлиб борадилар. Масалан, Бухорода Олий Совет Президиумининг қабулхонаси тўқимачилик комбинатига, Жиззахда — пластмасса заводига, Самарқандда — «8 Март» тикувчилик бирлашмасига келди... Бўлажак қабул тўғрисида барвақт хабардор қилинган қўшни кварталларнинг, атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси ҳам келади, албатта.

Юзлаб аризалар, илтимосномалар, шикоятлар мана шундай — ҳар жойнинг ўзида кўриб чиқилмоқда. Муаммоларни айни **жойларнинг ўзида** ҳал этишлари лозим бўлган **маҳаллий** Советларнинг, бошқа ташкилотларнинг иш сифати тўғрисида шуларга асосан хулосалар чиқарилмоқда.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

ИНҚИЛОБ КУЙЧИСИ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали. Тошкент-88

Бир ой муқаддам Лейпцигда бўлган ҳужжатли ленталар фестивалида анжуманнинг асосий совғини — «Олтин кабутар» машҳур режиссёр Сантьяго Альваресга берилди. Бу бежиз эмас. У Куба кино саноати институти ташкилотчиларидан бири, янгиликлар бўлимининг доимий раҳбаридир. Альварес фильмлари нафақат Кубада, балки чет элларда ҳам шуҳрат қозонган. Ўз мусоҳабаларидан бирида «Сиз яратган ленталар эскирмадими? Бадиий қиймати ва аҳамиятини йўқотгани йўқми?» — деб берилган саволларга у шундай жавоб қайтарди: «Фильмларнинг қай бир жиҳати қариса-да, лекин улар давр ҳужжати сифатида яшайди, ўз замонасининг гувоҳи бўлиб қолади. Шундай экан, бадиий ленталардаги ҳар қандай сохталик икки карра гуноҳдир. Ахир, бу билан нафақат шу кун томошабинларини, балки келгуси авлодларни ҳам алдаш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, менинг ўзим учун қадрли ленталарим бор. Уларда одамлар қисмати ўз ифодасини топган. «Ханой, шанба, 13» (1967 йил), «79-баҳор» (1969 йил) фильмлари ана шулар жумласидандир. Сўнгги картина Хо-Ши-Миннинг қаҳрамонона ҳаётига бағишланган. Ажойиб бу инсоннинг тақдири бирорта санъаткорни хотиржам қолдирмайди. Бунинг устига наҳотки Вьетнамни унутиш мумкин бўлса? Биз фақат Ханойнинг биринчи марта ваҳшийларча бомбардимон қилинишигина эмас, бу ерда яшовчи дўстларимизни ҳам суратга олган эдик».

Сантьяго ота-онаси Испаниядан Кубага аср бошида кўчиб келишган. Оила бошлиғи новвой, сўнгра савдогар бўлиб ишлади, сиёсий қарашлари учун бир йилга қамалди. Она болаларини боқиш учун кир ювувчиликка кирди. 14 ёшида ҳарф терувчи бўлиб ишлай бошлаган Сантьяго ҳафтасига тўрт песо ҳақ олди. У кечки институтни ташкил этиш ташаббускори бўлди, студентлар уюшмасини текин таълим олиш учун курашга чақирди. Иш ташлашда қатнашганлиги учун босмахонадан ҳайдалди. Врач бўлиб етишиш мақсадида медицина институтида икки йил ўқиди. Лекин пировардида кинорежиссёрлик касбини эгаллади.

Альварес кунларнинг бирида АҚШда тақиқланган «Ҳозир» ашуласини эшитиб қолди. Негр хонандаси Лена Хори ижро этган бу қўшиқ норозилик, ҳукм, курашга чақириқ тароналари бўлиб янграйди, тингловчиларни «ҳозир айни кураш чоғи, айни ҳақиқат онлари, бунинг учун вақт етди» дея сафарбар бўлишга даъват этади.

Жанговар қўшиқ эҳтиросларга бой бўлиши билан Альваресни ҳайратга солди. У Лена Хори ижро этган ашула ғоялари асосида фильм яратди. Бадиий лента шу қадар таъсирчан чиқдики, у ҳам фош этиш хусусияти билан эътиборни жалб қилади.

Режиссёрнинг фикрича, ҳужжатли картина ижодкори ўз замонасининг муҳим муаммоларини илғаб олгандагина бадиий баркамол асарлар яратиши мумкин. Ҳозирги кунда сиёсий фильмда кинопублицистнинг изланишлари ва кашфиётлари ўз ифодасини топмоқда. Альвареснинг таъкидлашича, фильмнинг узун ёки қисқаси йўқ, балки яхши ва ёмони бор. Унинг моҳияти ҳажмига эмас, балки мазмуни ва шаклига боғлиқ, воқеалар сиёсий жиҳатдан чуқур очиб берилиши лозим. Бу ғоя Альвареснинг «Мен Америка фарзандиман, унинг олдида қарздорман» деган фильмида ёрқин акс эттирилган. Унга Фидель Кастронинг ривожланаётган ва социалистик мамлакатларга саёҳати асос қилиб олинган. Картина уч соату 15 минут давом этишига қарамасдан Гаванадаги етти театрда бир вақтда икки ҳафта кўрсатилди.

Сантьяго Альварес фильмлари Тошкент кинофестивалининг деярли барчасида намойиш этилган. Халқларнинг миллий озодлик ҳаракати режиссёр таржимаи ҳолининг ажралмас қисми бўлиб қолди. У суратга олган фильмлар географияси кенг: Вьетнам, Чили, Перу, Мозамбик, Ангола, Эфиопия, Лаос, Кампучия, Никарагуа... Уларга материал тўплаш пайтларида Альварес ҳаёти бир неча бор хавф остида қолган.

У оператор Иван Наполес билан бирга Қозоғистон ССРни шимолдан жанубга қадар босиб ўтди. Уларнинг «Йўл кинохабарлари» Совет давлатига бағишланган «Дунёнинг олтинчи қисми» фильмининг асосини ташкил этади. Ноёб бу лентани яратишда кубалик 19 режиссёр қатнашди. Альварес «Кремлик ҳаёлпараст» фильмида улуғ Ленин тўғрисида ҳикоя қилади.

Мамлакатимиз режиссёрда айниқса КПСС ХХVII съезди кунларида ёрқин таассурот қолдирганини унинг ўзи алоҳида таъкидлайди. «Мен съезд мажлисларида бўлиб, ўша ҳаяжонли дамларда бир неча лентани суратга туширдим. Ҳужжатли фильмнинг «37-меридианда янгиланиш руҳи» деб номланиши ҳам съезд менда қандай таассурот қолдирганини яққол кўрсатиб турибди. Москва ана шу меридианда жойлашган. Қайта қуриш даврининг қудратини бутун жаҳон сезмоқда. Бу ўринда бир мисолнигина келтираман. Мен «Ядросиз дунё учун, инсониятнинг яшаб қолиши учун» Халқаро фестивалида қатнашишга муяссар бўлганман. Бу ғоя турли дунёқараш ва динга мансуб кишиларни бирлаштирди. Ядросиз дунё ғоясини М. С. Горбачев илгари сургани ҳаммага маълум. Янги, қайта қуриш руҳи унинг нутқларида ҳар доим баралла янграмоқда».

А. ЗОКИРОВ.

Олтнариқ район манший хизмат кўрсатиш комбинатида қарашли «Лола» тикувчилик цехининг чеварси Тожихон Собитова ойлик ва квартал топшириқларини доимо ошириб бажармоқда. Комсомол қиз хушмуомалалиги ва буюртмани сифатли бажариши билан аҳолининг ҳурматэҳтиромига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: Т. Собитова.

М. САНҒИНОВ фотоси.

Катта ёшдагилар ва болалар учун

ТАБИАТ ТОПИШМОҚЛАРИ

Юрий ДМИТРИЕВ

РОМАШКАЛАР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚУШЛАРНИНГ РАСМИНИ ЧИЗИШГАНИ

— Қани, рассом-анималистлар, ишлар қалай? — сўрадим Ромашкалардан эртаси куни.

— Ишлар? Яхши. Бизларни ким дедингиз? — тушунмасдан сўради Ромка.

— Сизлар — рассом-анималистлар. Ҳайвонларни тасвирловчиларни шундай деб аташади. Эҳтимол, рассом-анималист В. А. Ватагин ҳақида эшитгандирсиз? Йўқми? Унда қулоқ солинг. У ёшигидан табиатни севган, ҳайвонлар ҳақида кўп билган, қилиқлари, хусусиятларини кузатган ва тирик ҳолатда расмини чизган. Ҳайвонот боғига бориб турли хил ҳайвонларнинг расмини соатлаб чизиб ўтирган.

— Биз ҳам олдин кузатдик, кейин расмини чиздик, — Ромашкалар ўзлари чизган расмларини менга узатишди.

— Энди анча тўғри чизилибди! Ҳам чиройли. Мана ўт, майсалар, буталар, турли хил дарахтлар...

— Мана капалак. Буниси шомкапалак, — тушунтирди Маша.

— Кўраяпман, кўраяпман. Фақат мана бу барглар орасига яшириниб олган нарса нима эканини тушунолмаяпман.

— Бу ахир, қурбақа-ку, барг рангида-да,

— Рома ҳатто бироз хафа ҳам бўлди.

— А-а... Унда ҳаммаси тушунарли.

— Зарғалдоқнинг расмини чиздим, — сабри чидамасдан деди Маша. — Ўхшабдими?

— Ҳозир кўрамиз. Менимча, ўхшайди. Фақат тумшуғини сал каттароқ қилиб чизиш керак. Бундай кичик тумшуқ билан капалак қуртини, айниқса туклисини ҳеч ушлай олмайди.

— Менинг чизган читтагимда ҳеч нарсани тузатмасам бўладими? — хавотирланиб қўйди Рома.

— Қайси читтак-да? — қайтариб сўрадим мен.

— Меникида, мен чизган расмда.

— Йўқ, Рома, мен сендан буни сўраётганим йўқ. Читтаклар оиласи жуда катта. Шунинг учун сендан билмоқчиман, бу қанақа читтак?

Ромка ҳеч нимага тушунмасди.

— Сен катта читтакнинг расмини чизибсан. Яна узун думли читтак, ганчка, тосковка, лазаревка, синица-ремезлари ҳам бор.

— Ана холос! Мен буларни билмасдим!

— Мана энди қандай читтаклар борлигини биласан. Улар бир-бирларидан каттакичикликлари, патлари, сайрашлари, маконлари, қилиқлари билан ажралиб туришади.

— Катта читтакнинг расмини чизганимни сиз қандай билдингиз? — сўради Ромка назаримда мени «қўлга туширишга» ҳаракат қилиб.

— Нега билмай? Кўкрак томонини сапсариқ, бош томонини қора рангда чизибсан-ку. Фақат кўкрагига қора чизиқ—галстукни чизмабсан. Лунжини эса оқ рангда чизиш керак эди. Бошқа ҳаммаси тўғри. Балли, Рома. Аниқ қилиб чизгансан. Қайсидир китобда кўрганга ўхшайсан, тўғрими?

— Й-ў-ўқ. Улар қишда балконимизга учиб келиб ёғ чўқилашади. Ушанда кўрамиз.

— Яхши, жуда яхши!

— Сизлар қайси читтаклар овоз чиқаришини эшитмаганмисиз?

— Бир сафар чийиллаган эди, — ноаниқ деди Маша.

— Сен, Маша, деярли тўғри айтдинг. Мана у қандай чийиллайди: «пинь-пинь-пинь». Ўрмонга борганимизда унинг овозини эшитамиз, қушларнинг ёздаги чийиллаши ана шунақа бўлади.

Ахир, қушлар фақат баҳорда, уя қураётганда, оилали бўлаётганда, болаларини овқатлантираётганда сайрашади-ку. Читтаклар «ци-ци-фи, ци-ци-фи...» деб куйлашади.

— Қушлар нега ашула айтишади? — сўради Маша.

— Сўраган нарсасини қаранг! — кулди Ромка.

— Бекорга кулаяпсан. Маша тўғри савол берди. Ахир буни сен ҳам билмайсан-ку!

— Биламан. Улар шундай ғаплашишади.

— Бу унчалик тўғри эмас. Яхшиси қулоқ сол! Баҳор келади ва эркак читтак уя қуриш, палапоклар ўстириш учун ўзига жуфт ахтаради. Урғочи читтакларнинг эътиборини тортиш учун чиройли қўшиқ куйлайди. Кейин қуш болалари пайдо бўлгач, баъзи бир қушларнинг қўшиғи ҳам — «бу ёққа учиб келманглар, бу менинг маконим, шу ердан озуқа топаяпман» қабилида сигнал ролини ўтайди. Қушларни яна бошқа сигналлари ҳам бор. Улар учун бу сигналлар жуда муҳим. Олимлар қушларнинг ва бошқа ҳайвонларнинг тилини ўрганишаяпти.

— Бошқа читтакларни қаерда кўриш мумкин? Жуда кўргим келаяпти!

— Ўрмонга борганимизда албатта қайсидир читтакни кўрамиз. Айтгандек, ҳа... синица-ремезни у ерда учратмаймиз. Эсиз! Жуда ажойиб қуш. Ини ҳам қизиқ — тешиги бор кигиз қўлқопга ўхшайди. Расми бор менда, уни сизларга кўрсатаман.

— Биз ҳозир кўришни истаймиз. Мумкинми?

— Нима ҳам қилардим! Ҳозир бўлса, ҳозир-да!

Сиз ўзингиз чизган расмни эсингиздан чиқармадингизми! Унда нималарни акс эттирдингиз! Ҳеч нимани эсингиздан чиқармадингизми! Текшириб кўринг. Ҳамма читтакларнинг расмига диққат билан қаранг. Уларнинг катта-кичиклиларига, тусига эътибор қилинг. Улар бир-бирларидан нималар билан фарқ қилишади! Ҳар бирининг номини эслаб қолинг. Энди қўлингиз билан беркитиб туриб, қайси қуш эканини айтиб беринг.

Катта читтак қандай чийиллайди ва қандай куйлайди! Боққа, ўрмонга борганингизда читтакни кўришга ҳаракат қилинг. Уни кузатинг. Қандай овоз чиқаришини тингланг. Чийиллаяптими ёки куйлаяптими — аниқланг. Қушларнинг овозлари ҳам пластинкага ёзиб олинган. Уларни тинглаб кўринг.

ҚУТҚАРИШ ҚОМАНДАСИ

— Кузьмин бобо! Кузьмин бобо! Хўп денг, аравага минайлик! Миндира қолинг, Кузьмин бобо!

— Дррр, Руслан! Бироз жим тур! Ўтирингларингиз, болалар! — Арава ғичирлаганча яшил йўлдан юриб кетди. Унинг устида омадли болалар хурсанд ўтиришарди.

Яна қишлоққа жимлик чўкди.

Бундай қарасам, улар орқага чопиб келишаяпти. Бирон воқеа содир бўлди чоғи.

— У ер... у ерда...

— Шошма, аввалига нафасингни ростлаб ол, Рома. Энди гапир.

— Кузьмин бобо бизни ўрмонгача олиб бордилар. Аравадан тушдик, улар олдинга кетдилар. Орқамизга қайтаётгандик... Қарасак...

— У ер... у ерда... қуш боласи уясидан ерга тушиб қолибди. Юринг тезроқ!

— Қуш боласи бўлса, унда бориш керак.

Узоқдан қушнинг хавотирли товушини эшитдик.

— Мен аниқ кўрдим, бу читтак эмас, — деди Рома.

— Балли сенга, агар овозга эътибор қилган бўлсанг, — мақтадим болани.

— Нима у бўлмаса?

— Ҳозир, яқинроқ борайлик, қушлар ўзини қандай тутишаяпти, кўрамиз, сизлар уларни яхшилаб кузатгач, таърифлаб берасизлар. Шундан кейин мен сизга қайси қушлигини айтаман.

— Мана бу ерда! Эшитаяпсизми, чийиллаяпти? — Болалар турган жойларида қотиб қолишди.

Биз яқинлашган сари қушлар кўпроқ ташвишга туша бошлашди: ё учиб бориб дарахтга қўнишар ёки яна ерга тушишарди.

— Кўрқманглар, кўрқмасаларинг-чи! Биз болаларингизга тегмаймиз! — Ромашкалар ўтнинг орасини очишган эди, унда калласи катта қушчани кўрдик. У ўзининг катта, сап-сариқ тумшуғини очиб турар ва чийилларди.

— Уни уйга олиб кетсакмикан! Яхшилаб боқардик! — Маша менга ялингансимон қаради.

— Ота-онасидан бошқа одам бу ишни кўнгилдагидек қила олмайди! — қатъий қилиб дедим мен. — Энди Рома, дарахтга чиқ. Қани кел, мен сени миндириб қўяман. Мана бундай! Уяни кўраяпсанми?

— Кўраяпман, думалоқ экан. Вой бу ерда қушчалар бор экан... Бирам киччинаки!

Қушчани Ромкага узатдим, у аста-секин инига қўйди. Ота-она қушлар даҳшат солиб чийиллашаркан, бўлаётган воқеани кузатишарди.

— Мана сен ўз уянгдасан! — енгил тортди Рома. — Бошқа йиқилиб тушма! Нимани қутқардик? — Бола тезроқ билишга ошиқарди.

— Нимага келишиб олган эдик? Сиз қушнинг кўриннишини таърифлайсиз, мен у қайси қуш эканини айтиб бераман. Қани, қулоғим сизда... Унинг катталиги қандай экан?

— Мана бундай, — Маша кафтларини сал кенгайтирди.

— Катталигини ўзинг яхши биладиган чумчуқ, читтак, каптар билан таққосла...

— Чумчуқдек, — аниқлади Маша.

— Энди айтинг-чи, нима кўзингизга ташланди?

— Менга қанотидаги оқ йўллар, — деди Тарас.

— Менга чиройли жигарранг нозик кўкраги ва думидаги қандайдир яшил ранг. Биттаси ярқироқроқ рангда, иккинчиси очроқ.

— Булар эркаги ва урғочиси. Эркаги ялтироқроқ. Ҳозирча тўғри айтаяпсизлар, — мақтаб қўйдим болаларни.

— Қани айтинглар-чи, қушчалар ўзларини қандай тутишди?

— Довюрак қушчалар экан, одамлардан қўрқишмади.

Болалар қушларнинг жасурлигига тўғри баҳо беришди.

— Уларни қайси ўрмонда учратдик?

— Ўзимизникида. Аралаш ўрмонда, — деди Рома.

— Демак... Сиз қизилтўшни кўрдингиз! Энди қанақа қушлигини аниқлаш учун уларни қандай кузатишни, нималарга эътибор беришни билиб олдингиз.

— Уни аниқлашда бизга ким ёрдам беради? Ёз тугаяпти. Биз уймизга кетамиз... — ғамгинлик билан деди Рома.

— Биринчидан, «Қушларни экскурсион аниқлаш» деган махсус китоб бор. Ота-оналарингиз уни тушуниб олишингизга кўмаклашишади. Иккинчидан, ҳайвонот дунёсини яхши биладиган, табиатни севадиган одам албатта топилади ва у сизга ёрдам беради. Бунга аминман!

— Сиз қушлар баҳорда тухум қўйишади ва бола очади, дегандингиз. Ҳозир эса ёз пайти! Балки қизилтўшлар ўзгачадир?

— Йўқ, улар ўзгача эмас. Бу иккинчи марта бола очиши, холос. Кўпгина қушлар ёзнинг ўзида икки марта бола очишади. Суҳбатлашиб уйга қайтдик.

— Кечқурун ёмғир ёғса керак, — дедим мен.

— Қаердан биласиз?

— Эшитмаяпсизларми? Рю-рю-рю: қизилтўш сайраяпти. Ёмғир чақираяпти. Шундай одат бор.

— Мана мен ўйладим! — Романинг гапини бироз ҳурматсизлик билан бўлдим. — Келинглар, қутқариш командаси тузамиз. Қайси қушга ўрмонда қандай ёрдам керак бўлса, биз ўша ерда тайёрмиз!

— Зўр-ку! — қувониб кетишди болалар.

Қушларни табиатда қандай кузатиш, нималарга эътибор бериш кераклигини тушуниб олдингизми! Узингизни чиниқтиринг. Бунинг учун китобдан ўзингиз яхши биладиган бирор қушни танлаб олинг ва уни яхшилаб тавсифлаб чиқинг: аввалига каттакичиклигини (масалан, чумчуқ билан таққосланг); қушнинг энг муҳим белгисини (рангли кўкси, қанотларидаги йўл-йўл чизиқлар) аниқланг. Кейин қушнинг табиатдаги ҳаракатини кузатинг. Уни тавсифлаб чиқинг. У ўзини қандай тутишини (югуриши, сакраши, юришини) аниқланг.

Редактор ўринбосари Н. ЕҚУБОВ.

СПОРТ АХБОРОТИ

ШАХМАТ

Амстердамда жаҳоннинг энг кучли гроссмейстерлари иштирокида тўртлик турнири ўтказилмоқда.

Иккинчи давра кутилмаган натижалар билан бошланди. Жаҳон чемпиони Гарри Каспаров Д.ван дер Виль билан дуранг ўйнаб, очкони баҳам кўришга мажбур бўлди. Карпов—Тимман учрашувида ҳам кучлар тенг келди. Сўнгра Тимман Д.ван дер Вилдан енгилди. Каспаров эса Карповни доғда қолдирди.

Мусобақада беш имконияти-дан 3,5 очко тўплаган жаҳон чемпиони Гарри Каспаров пешқадамлик қилаяпти. Анатолий Карпов ва Ян Тимман ҳисобида 2,5 тадан очко бор. Д.ван дер Виль бир очкога эга.

БАСКЕТБОЛ

Олимпиада мусобақасининг саралаш учрашувларига тайёргарлик кўраётган СССР хотин-қизлар терма командаси Варнадаги анъанавий халқаро турнирда иштирок этаяпти. Баскетболчиларимиз илк матчда мусобақага келмаган Куба спортчилари ўрнини эгаллаган «Дружба» миллий терма командаси билан учрашиб, 88:60 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Венгрияликлар ҳам халқаро турнирни муваффақиятли бошлашди. Улар болгарияликларни мағлубиятга учратдилар — 67:56. Югославия — Чехословакия учрашувида 101:69 ҳисоби қайд этилди.

Анъанавий халқаро мусобақа 23 майда ниҳоясига етади.

БОКС

Икки маротаба Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Хохряков хотирасига бағишланган турнирда тўққиз иттифоқдош республикадан келган 203 боксчи қатнашди. Ҳар бир вазнда ғолиблик учун кескин «жанг» борди. Пировардида И. Замалиев, А. Арнаутов, В. Алиев, Ю. Маслихин, А. Шкаликов, П. Гильмеев, Ю. Королев, С. Полунин, В. Балашов, И. Лунев, А. Заграбян ва А. Мамонтов ғолиблик шоҳсупасидан жой олдилар.

СУВГА САКРАШ

Ангренда ўтказилган Ўзбекистон чемпионати якунланди. Унда майдон эгалари ўзларини кўрсатдилар. Масалан, беш метрли минорадан сакрашда Л. Ғафуров маҳорат кўрсатиб, республика чемпиони бўлди. Александр Кочкин эса ўн метрли минорадан сакрашда зафар қўчди.

Олмалиқлик Елена Врёвская, тошкентлик А. Бродовиков, бухоролик С. Ликов ҳам Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

ФУТБОЛ

Физкультура коллективлари ўртасидаги республика чемпионатининг биринчи группасида пойтахт областининг «Сельмашчи» командаси карвонбошилик қилаяпти. Таъкидлаш жоизки, чирчиқлик футболчилар рақиблар майдонида ҳам ғалаба қилиш иштиёқида ўйнаяптилар. Улар ўтган турда «Автомобилист» (Тошкент) коллективининг меҳмони бўлиб, майдон эгалари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди. Натижада «Сельмашчи» ҳисобидаги очколар сони 14 тага етди.

Ўйинлар жадвалининг иккинчи поғонасида бораётган «Гулистончи» командаси ҳам сафарда ғалаба қозонди. Гулистонликлар Жиззахда маҳаллий «Зарафшон» коллективини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Иккинчи группада уч турдан сўнг бештадан очко жамғарган Қибрайнинг «Винокор», Тўрақўрғоннинг «Ёшлик» ва Сирдарё областининг «Малик» командалари олдинда боришаётир.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ

51-ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

БУ ТИРАЖ 1988 ЙИЛ 15 МАЙДА ТАЛЛИН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ.

Заёмнинг ўттиз саккиз разрядидаги серия ва облигацияларининг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200313	1—100	100
201550	089*)	500
201941	1—100	100
202287	028*)	1000
202681	099*)	1000
202698	1—100	100
203225	063*)	500
204601	016*)	1000
205157	1—100	100
205200	1—100	250
205748	1—100	100
205930	1—100	100
206247	1—100	100
206597	028*)	1000
207740	090*)	1000
208050	1—100	100
208457	005*)	10000
208763	056*)	500
209938	081*)	1000
210538	004*)	500
210602	1—100	250
212310	064*)	5000
212399	1—100	250
212844	062*)	5000
213544	072*)	1000
214520	1—100	100
214789	079*)	1000
214826	093*)	500
217673	1—100	250
217723	1—100	100
218597	060*)	500
218644	038*)	500
218882	1—100	100
218940	040*)	500
219263	034*)	1000
219419	077*)	1000
219698	053*)	2500
220291	074*)	1000
221227	1—100	250
221967	020*)	1000
222702	032*)	500
223108	066*)	1000
224012	1—100	250
224439	010*)	1000
224567	1—100	100
224777	1—100	100
225117	001*)	1000
225618	1—100	100
225754	088*)	1000
225842	081*)	500
225845	062*)	1000
225876	093*)	2500
226431	038*)	1000
226882	021*)	500
227418	031*)	1000
227703	088*)	1000
228097	034*)	500
229228	098*)	1000
229414	1—100	100
230973	022*)	500
231199	1—100	100
231209	074*)	5000
232564	1—100	250
232994	065*)	500
233280	046*)	500
234107	030*)	1000

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
235257	041*)	1000
235290	085*)	500
235535	063*)	1000
235605	1—100	100
235882	1—100	250
236171	074*)	5000
236602	025*)	2500
236826	009*)	2500
237021	1—100	250
237502	061*)	1000
237898	063*)	1000
238830	072*)	1000
238995	071*)	500
239009	033*)	1000
239297	1—100	100
239564	1—100	100
239670	065*)	1000
240076	1—100	250
240672	099*)	1000
240692	045*)	500
241260	052*)	500
241299	019*)	1000
241395	042*)	500
241532	1—100	100
241711	087*)	500
242376	034*)	2500
243286	078*)	1000
243501	092*)	500
244816	1—100	100
244876	1—100	100
245360	1—100	250
245858	081*)	500
246637	030*)	2500
247734	003*)	1000
247880	031*)	1000
248377	1—100	250
249252	023*)	1000
249352	059*)	500
249875	016*)	1000
250421	1—100	100
250735	073*)	1000
251850	007*)	1000
253097	1—100	100
253280	1—100	100
253464	100*)	1000
253807	046*)	2500
254259	044*)	500
256306	030*)	500
257020	1—100	100
257605	006*)	2500
258737	084*)	1000
259361	051*)	2500
260281	020*)	2500
260319	071*)	1000
260602	063*)	500
263053	064*)	2500
263413	082*)	500
263488	014*)	500
264893	059*)	500
265585	1—100	100
266083	057*)	500
266225	074*)	500
266305	068*)	1000
266568	002*)	1000
267219	1—100	100
267766	081*)	500
268105	027*)	1000

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
268207	066*)	5000
268413	1—100	100
268823	094*)	500
269317	1—100	100
269504	1—100	250
270374	012*)	2500
270598	099*)	1000
271155	1—100	250
271384	094*)	500
272286	081*)	500
272660	1—100	100
273819	1—100	250
274132	1—100	100
275547	065*)	500
275703	007*)	1000
275796	009*)	2500
276085	097*)	2500
276464	003*)	1000
276674	1—100	250
276800	1—100	250
277528	1—100	250
277756	086*)	500
279172	048*)	500
280040	058*)	2500
280622	1—100	100
281150	1—100	100
281526	060*)	500
282260	1—100	250
283075	033*)	2500
283992	1—100	250
284530	062*)	1000
284595	006*)	1000
285089	021*)	500
286266	008*)	500
286374	1—100	100
286456	100*)	500
287358	1—100	100
287375	043*)	1000
287462	1—100	100
288047	1—100	250
288104	1—100	100
288358	004*)	1000
288620	1—100	250
288793	1—100	100
289421	096*)	500
289541	1—100	500
290011	077*)	500
290398	066*)	2500
290546	052*)	2500
290628	016*)	1000
290672	052*)	2500
290829	076*)	500
291526	046*)	500
291547	1—100	250
291972	003*)	1000
292283	002*)	1000
292450	069*)	2500
292831	019*)	500
293206	1—100	100
294090	1—100	100
294338	039*)	500
296698	1—100	250
297212	1—100	250
298591	027*)	1000
298988	1—100	500
299522	1—100	100
299742	070*)	500

Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 100, 250, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига, айнан 200, 500, 1000 сўм ютуқ тўланади. 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 500, 1000, 2500, 5000, 10000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 100 сўм чиқади ва облигация бўйича 600, 1100, 2600, 5100, 10100 сўм тўланади. 25 сўм қийматидаги облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, СССР Жамғармалар банкининг муассасалари ана шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси — халқ депутатлари Таллин шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — Э. Э-И. ЦЕРНАСК.

Комиссия масъул секретари — Е. И. ДЕМИНА.

ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

НАМАНГАНДАГИ 15-АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ

ҳамма моделлардаги «Москвич» автомобиллари ва уларнинг агрегатларини (двигателдан ташқари)

чекланмаган миқдорда

КАПИТАЛ РЕМОНТ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автомобиль комплектда ва тоза ҳолда бўлиши лозим.

Адрес: 700716, Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 105-уй. Телефонлар: 6-25-44, 6-34-25.

ОЛМАЛИҚ ЕҚИЛҒИ-ЕҒОЧ САВДОСИ БАЗАСИ

колхозлар, совхозлар ва бошқа ташкилотларга

арраланадиган игна барглари ва сербарг нав ёғоч материалларини, қурилиш ёғочларини, горбиль тахталарни пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Адрес: Олмалиқ шаҳри, Обводной кўчаси, 2-уй.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41. Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р — 00116. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 2002. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12